



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqib boshlagan

e-mail: uzas@mcs.uz

2013-yil 5-iyul • №27 (4218)



ОФТОБИ КУЛГАН ЮРТ

Йўлинг ниятингдан ёришади, дейдилар. Бу гапни дилдан кечириб йўлга чиққанингда дилингдан губорлар кетади. Кўнглинг йўлдай ёришади. Тошкент-Жиззах йўлидан илгариллаётган машина баҳору ёнинг талошида яшнаётган табиатнинг авжига эш бўлаётгандек йўл тортади. Бош силкиб қолаётган беадоқ буғдойзорларга нур элаётган офтобнинг қулочиға сиғмаган воҳа тоғлари, ёнбағир кенгликларидан одамға бир тоза кайфият юқади.


Шаҳар бошланаётганидан дарак бериб йўл четларига тушган девору томлари шинам уйлар ўз соҳибларидай меҳмондўстлик билан эшигу деразаларини ланг очиб қарайди. Йўл четларидаги текис ўсаётган ниҳоллар бир хил либос кийган беғубор мактаб болаларидек япроқларида чапак чалишади. "Интенсив бог дегани чиндан ҳам тез ривожланаркан-да, ўтган йили хипчингина эди, соясини остиға олиб қолибди", дейди ҳамроҳларимиз бир-бирларига, теграси ўралган, кўрғанинг кўзини қувнатгудек шавк-ла ўсиб ётган даракларга ишора қилиб. Кўп эмас — оз эмас ўн йил илгари ўтган давларимда бу ерлар қовжирган, хас-хашаги чангиб ётгучи, кўзни толқитирадиган даштнинг ўзгинаси экани эслаймак. Одамнинг қўли гул!

Жиззах шаҳрини ярим доира шаклда ўраб олган Жиззах тумани ҳудудидаги янги уйлар ҳар кимнинг ҳам эътиборини тортади. Бу янги уйларға хос ҳаёт тарзи ҳам бир қарагандаёқ кўзға ташланади. Уйларнинг сим долларида гўдақлар, чақалоқларнинг ювиб ёйилган либосчалари, кунгай тарафларға ёнбошлатиб қўйилган тувак-сумаклар... ёш оилалар... ва ўзбекона турмуш... Эй, бу манзаралар қанчалик дилға яқин, биродар. Янги асфалт йўл туташтирган остонасидан, биров-ярим қаддини кўтариб, қора даракт бўлиб қолган ҳовлилардаги богчаларига, резина ичанки биланглатиб "Ласетти"сую, "Нексиа"сини юваётган, атрофида уч-тўрт яшар ўғилчалари қошида юрган уй эгаларига, қўйинки, бу манзилдаги ҳар бир одамға ҳамма-ҳаммаси ўзимизнинг

жонтортар юртдошлар, замондошлар эканини кўнгилдан кечирсанг, беихтиёр ичинг ёришиб кетади. Донишмандларнинг "қанча эмас, қандай яшаган муҳим", деган гаплари дилдан кечади.

Алқисса, Жиззах вилоятиға қилинган сафарнинг илк давлари шундай кечинмалар билан бошлангани менинг ҳам, ҳамроҳларнинг ҳам чеҳрасидаги шавқдан сезилади. Туйқус бир нима ёдға тушгандек ич-ичингиздан иқроор бўласиз: бу одамларнинг ҳар бирининг ичиди бир гурур улғайиб келаяпти. Бу фахру гурур замирида эса ўзимнинг уйим, ўзимнинг меҳнатим ҳосили деган оусуда, собит ишонч бор, хотиржамлик бор.

Давоми иккинчи саҳифада.



"Нур сояда қолмас" спектаклидан лавҳа.

Бир ҳафта давомида пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига, театр санъати шайдоларига олам-олам қувонч бахш этган "Сени қуйлаймиз, замондош!" республика театрларининг II танлови муваффақиятли якулланди.

Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра биринчи ўринға Ўзбек Миллий академик драма театрининг "Ойдин" (муаллиф — Р.Мухаммаджонов, режиссёр — В.Умаров) ҳамда Сидраё вилоят мусикали драма театрининг "Аёл қадри" (муаллиф — Р.Мухаммаджонов, режиссёр — Б.Тўраев) спектакллари сазовор бўлди.

Лутфуллаев ҳамда "Ойдин" спектаклида Самандар образини яратган Миролим Қиличев тақдирланди. "Аёл қадри" спектаклида Хушида ролини ижро этган актриса Раёно Юнусова "Аёл ролининг энг яхши ижроси учун" мукофотга сазовор бўлди. Сурхондарё вилоят мусикали драма театрининг "Алла" (муаллиф

театрининг "Она қизим, чирогим" (муаллиф — П.Айтмуродов, режиссёр — И.Айбатов), Фарғона вилоят рус драма театрининг "Фаришта" (муаллиф ва режиссёр Л.Саъдуллаев), Фарғона вилоят мусикали драма театрининг "Сени соғиндим" (муаллифлар — А.Абдуғафуров, М.Комилжонов, режиссёр —

"СЕНИ ҚУЙЛАЙМИЗ, ЗАМОНДОШ!"


Самарқанд вилоят мусикали драма театрининг "Садоқат" (муаллиф — Н.Мажидов, режиссёр — И.Султонов) спектакли иккинчи, Қорақалпоғистон давлат мусики театрининг "Нур сояда қолмас" (муаллиф — Қ.Норқобил, режиссёр — Н.Ансатбаев) спектакли учинчи ўринни эгаллади.

"Энг яхши эркек роли ижроси учун" "Хаёт формуласи" (муаллиф — А.Йўлдошев, режиссёр — С.Мелиев) спектаклида ёш олим образини яратган актёр Самиддин

— Х.Хурсанов, режиссёр — М.Равшанов) спектакли саҳналаштирувчи режиссёри Мансур Равшанов "Энг яхши режиссёрлик иши" номинациясида ғолиб бўлди.

Шунингдек, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусики театрининг "Мёмор" (муаллиф — Э.Хушвақтов, режиссёр — М.Ражабов), Қарши "Эски масжид" театр-студиясининг "Хаёт бўсағасида" (муаллиф — Ш.Ризаев, режиссёр — И.Тўраев), Қорақалпоқ ёш томошалар

М.Юсупов), Санъат ва маданият институтининг "Ҳалима" (муаллиф — Ф.Зуфарий, режиссёр — Б.Йўлдошев), Андижон Ёшлар театрининг "Меҳр қолур" (муаллиф ва режиссёр — М.Ҳамидов), Тошкент давлат мусикали (оперетта) театрининг "Севги садоси" (муаллиф — В.Вавилова, режиссёр — С.Каприелов) спектакллариға турли номинациялар бўйича совринлар топширилди.



БУҒДОЙ БОШОҒИДАЙ УНГАН СЎЗИМ ВАТАНИ!

Сирожиддин Сидқий Хондайлиқий ғазалиға мухаммас

Ватан менинг ярқираган кўрғон ерим,
Ою офтоб мангу кўрғон ерим.
Эсдан чиқар бошқа ҳамма кўрғон ерим,
Ватан менинг туққон ерим, турғон ерим,
Униб-ўсиб, ўйнаб-қулиб юрғон ерим.

Инсонийлик деган қадим зироатлар,
Орият ҳам ориятта риоятлар,
Шунда унган, айтсиз кўҳна ривоятлар,
Етмиш пуштим тиклаб кетган иморатлар,
Тарбиянинг биносини курғон ерим.

Онамсан деб, изларингни кўзға суртсам,
Болам десанг, сувларингдай мавжлар урсам,
Тоғларингдай баланд-баланд уйлар сурсам,
Қайда бўлсам, қайда турсам, қайда юрсам,
Мангу ўйнаб кўзда жавлон юрғон ерим.

Жаҳон кезар жамолинга куёш тўймай,
Майсанг бўлиб сенинг учун нечун қуймай?
Дилимдан ҳам, тилимдан ҳам номинг қуймай,


Жоним бирлан, таним бирлан неға суймай,
Роҳат яшаб, соғлом яшаб юрғон ерим.

Кафтларимни очиб оқшом ҳилолинга,
Юзға суртгум камол истаб камолинга,
Дахлдорман шамойил ҳам шамолинга,
Тазъим айлаб заҳмат чеккан чумолинга,
Саждагоҳим, саждаға бош урғон ерим.

Беҳишларға эгиз бўлган фасларинг,
Бўй таллашиб ўсган янги наслларинг,
Бу қуларинг асдан ҳам аслларинг,
Улуғларинг асрларға қасрларинг,
Қасрлари асрларни кўрғон ерим.

Буғдой бошоғидай унган сўзим Ватан,
Кимман, ахир, сенсиз мен бир ўзим Ватан?
Олам аро менинг ёруғ юзим Ватан,
Жоним Ватан, таним Ватан, кўзим Ватан,
Даврон кўриб, давру даврон сурғон ерим.

Сирожиддин САЙИД



ИСЛОМБЕККА ХОС ШИЖОАТ

2004 йили Президентимиз ўн еттинчи жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновга йўллаган табрикда шундай сўзлар бор эди: "Ўзининг бетакрор тарихи ва маданияти, ақл-заковати билан асрлар давомида инсониятни ҳайратта солиб келган халқимизнинг юксак тафаккури ва интеллектуал салоҳияти мана шу ғалаба тисолида яна бир бор ёрқин намоян бўлди".

Дарҳақиқат, спортга, айниқса, болалар спортига бўлган юксак эътиборни барча ҳудудларда қад ростлаётган мухташам спорт иншоотлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бир-биридан кўркам спорт маҳмуалари мамлакатимизда улғаяётган навқирон авлод вакиллари ора-

сида жисмоний тарбия ва спортни янада кенг оммалаштиришдек улкан мақсад, вазифаларға хизмат қилмоқда.

Спорт жихозлари билан бекаму кўст таъминланган мажмуаларда шуғулланиб, малакали устоз-мураббийлардан спортнинг барча сир-асрорини пухта ўрганаётган ёш иқтидор соҳибларининг халқаро майдонларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳам, шубҳасиз, эътибор ва рағбат самарасидир.

Таъкидлаш жоизки, йилдан-йилга спортчиларимиз орасида кичик ёшдаги ғолиб ва совриндорлар сони ортиб бормоқда. Чемпионларимиз ёшараяпти. Шу ўринда сўнги бир йилдаги натижаларнинг айримларини эсга олайлик:

1994 йилда турилган футболчиларимиз Мексикада ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида дунёнинг манаман деган жамоалари билан теппа-тенг баҳслашиб, энг кучли саккиз терма жамоа сафидан жой олди.

Ўн олти ёшгача ўсмирлар терма жамоамиз футбол бўйича Осиё чемпионати финалида Япония терма жамоасини мағлуб этиб, илк бор китъа чемпиони бўлди.

Давоми олтинчи саҳифада.



Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилиб, 1997 йилдан буён ҳар икки йилда мунтазам ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали дунё халқларининг миллий мусиқа санъати анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, тили, мадания-

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ФЕСТИВАЛИ

нинг тобора кенгайиб, анжуман доирасида ўтказиладиган тадбирларнинг кўпайиб бораётгани унга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўришни тақозо этади. Тўққизинчи фестивалга ҳам юқори савида тайёргарлик кўриш юзасидан Республика ташкилий қўмитаси ҳамда Самарқанд вилоят ишчи гуруҳи томонидан зарур чора-тадбирлар амалға оширилмоқда. Ҳозир Регистон майдонида фестивалнинг асосий саҳнаси ва амфитеатр ўрнатилиб, уни бу йилги фестивал мазмун-моҳиятига монанд безатиш ишлари олиб боришмоқда. Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида оммавий саҳна кўринишида иштирок этадиган қатнашчилар, фольклор жамоалар сараланиб, репетиция жараёнларини бошлаб юборишган. Шаҳардаги музейлар, хунармандлар марказларида эса халқимиз мусиқа маданияти ва тарихига оид янги экспозициялар ташкил этиш, миллий чолғу асбоблари ва тарихий либослар намойишини ўтказишга тайёргарлик кўришмоқда.

Давоми бешинчи саҳифада.

ҲАҚ СЎЗНИНГ ҚАДРИ

Барча соҳаларда бўлганидек, мустақиллик йилларида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳам жадал тараққий этиб, юртимизда амалға оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, ижтимоий-маънавий ҳаётимизда эришилаётган ютуқларнинг ўзига хос кўзгусига айланди. Таниқли адабиётшунос олим ва публицист Абдулла УЛУҒОВ билан суҳбатимиз журналистиканинг бутунги глобаллашув замионидаги ўрни, ютуқ ва муаммолари ҳусусида.

— Куни кеча Юртбошимиз соҳа ходимларига Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан йўллаган табрикда янги ҳаёт куриш, янги марраларни эгаллаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз, шунингдек, аҳолининг тезкор ва ҳаққоний ахборот олишга бўлган эҳтиёжини юксак даражада таъминлаб боришда соҳа ходимларини олдида турган вазифаларға тўхталиб, алоҳида таъкидланганларидек: "Маънавий ҳаётимизни, бу йўналишда олиб бораётган сиёсатимизни, бугун шиддат билан ўзгартириб бораётган замон билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожлантириш мақсадида бизнинг ўзлигимиз, ҳаёт ва тафаккур тарзимизнинг ифодаси бўлган миллий қад-

риятларни кўз қорачиғидек асраб, шу билан бирға жаҳон миқёсида эришилган, эътироф этилган умумбашарий ютуқларға таяниб, уларни ўзлаштириб иш олиб боришимиз зарур. Ва айнан ана шундай мезонлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосий тағамийларини ташкил қилиши керак", дея таъкидлади. Демак, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг жаҳон ахборот майдонида ўзини намоян эта олиши бизнинг ана шу тамойилларни нечоғли теран идрок эта олишимизға боғлиқ.

Давоми иккинчи саҳифада.

Бошланғич биринчи саҳифада.

Аслида Ватан мустақиллигининг моҳиятида ҳам миллий гуруҳ ташушчаси мукжасам. Ҳаққини, кадр-қимматини англамоқ учун етарлича асослар керак. Ҳазинг яшаётган юрда, кўз ўнгингда амалга ошаётган асрий ўзгаришларни, ота-боболаринг орзу қилгану кўрмай кетган ютуқларни кўришинг, гувоҳи, иштирокчиси бўлишинг, албатта, кўнгилга аввал туймаган бир туйғуларни солади, гуруринг ўсади, шу тупроққа нисбатан сўз билан ифодалаш мушкул бўлган бир меҳр, ифтихор туюсан.

Жиззахлик юртдошларнинг қалбу шурида ҳам шу сингари туйғуларни кўриб, ҳис этиб ичимиздан бир гаплар кўзгалди. Айтгинг, ҳеч бўлмаганда "Баракалла, дўст! Эккан нихолингнинг мевасини еб, ўйнаб-қулиб яшайверинг" дегинг келади. Негаки...

Жиззах вилояти жуғрофий ўрни, иклими ва бошқа ҳудудий бирликлари билан мамлакатимизда алоҳида ўрин тутадиган вилоят саналади. Тоғли, тоғ олди ва паст текислик майдонлар ҳамда сувли далавларни ўзида жамлаган вилоят ҳудуди ўзига хос табиий мўътадилликлари билан бирга, маълум ноқулайликларга ҳам эгадир. Масалан, Фориш, Бахмал, Зомин туманларидаги тоғли жойларда ўрмончилик, деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ишлари бу манзилдаги раҳбар ҳодимдан тортиб, оддий чўпону деҳқонгача ҳар бирига алоҳида масъуляти юклайди. Жорий йилда етмиш минг гектар майдонда етиштирилаётган лалми галла сувли жойдаги бошқоқ экиннинг ярмидан кўпини ташкил этаётганининг ўзбек сўзимизга далил бўлади. Вилоят миқёсида режалашти-

риланган 312 минг 460 тонналик галла хирмони, ҳадемай, шу далада меҳнат қилаётган бободоҳқоннинг ҳам дастурхонига азиз нэзмаат бўлиб қайтади. Бу ҳам бўлса, мустақилликнинг илк йилларидаёқ мамлакатда галла мустақиллигини кўлга киритиш бўйича узоқни кўзлаб амалга оширилган ишлар махсули бўлиб турибди.

"Эллик ёшдан ёшдан олиб ўтган сув яхши", дейди бобо деҳқонлар. Ҳақиқатан, лалми ва оби майдонлардаги ҳосил хирмони бунёд этишда кўп йиллик тажрибалар кўп келган ернинг мелiorатив ҳолати, сувга, озуқага талаби ҳисобга олиниб, ўз вақтида қилинган дориллашу ўташ сингари кўпдан-кўп зироатчилик ишлари хисораси билан ишончли хирмон кулалайтир. Галла майдонини кесиб ўтаётган отлиқ отининг тўшигача уриланган, денгиздай чайқалиб ётган даладаги ҳосил шу кўркамлига келган келишида ана шундай заҳматлар борлигини англаганда, ой ёруғидан кўп қилган келишнинг ич-ичингиздан тасаннолар айтади. Ва шу ерда ўзбекнинг бир қизик феълини ҳам кўрасиз. Бу-ку, бағри даласидай кенг фермернинг, ҳар йил хирмон кўтарган кишининг макони. Наники деҳқонда, балки ҳар қайси ўзбекнинг ҳаёт тарзида бировга яхшилик қилсам, хизматим, етиштирилган ҳосил билан кўшим қўшсам деган бир пок ният бор. Бу хусусиятга шу қадар кўникиб кетганмиз-ки, ўзимизга сезилмайди ҳам. Ўзбек бўлишинг энг

катта сифати ҳам эҳтимол шундадир.

Жиззах тумани ҳудудиде етти-та даҳада бу йил қурилиши режалаштирилган, асқарияти битай деб қолган 155 та янги уй жижаҳликларнинг ҳар бир соҳада ҳалол меҳнат қилиб барака топаётганининг белгисидир. Вилоят бўйича 550та ана шундай намунавий лойиҳадаги уйлар қурилмоқда. Бу ярим

чи Бахтиёр ака Аҳмедовни топиш анчагина мушкул бўлди. "Нариги даҳада янги уйларга лойиҳа олапти, ҳадемай кеп қолади", деганидан сўнг ҳам чамаси бирор соатларда етиб келган Бахтиёр ака бу ёқда шунча иши туриб бизга тагин ўша сизу бизга таниш сўзларни айта бошлайди: "Уэр, меҳмонлар, янги маҳалламизга ҳуш кепсизлар! Иш билан бўлиб кутдириб қўйдим. Шу сизларнинг баҳоналарингизда сал терни қоти-

публикада ҳам жуда муҳим бўлган "Жиззах-пластик" Ўзбекистон — Германия қўшма пахта толасини қайта ишловчи корхонасининг ўзбек саноат тармақига далил бўлади. Ушбу корхона тўла қувватда ишга тушганда 1750 нафар киши иш билан таъминланар экан. Бу янги иш ўринлари учун ҳам, иқтисодий ривожланиш учун ҳам жиддий омил бўлиши кундай равшан.

Яқинда вилоятга ташири

ОҒТОВИ КУЛГАН ЮРТ

мингдан зиёд оилага ватан дегани. Бу оилаларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил қилиши янада қувонарли. Янги уйларни қуришга, уни харид қилиб олишга етарлича имкониятни ўз қўллари билан яратётган бу одамлар истиқлолнинг 22 йиллик айёми арафасида шундай кўтаринки кайфият билан бақамти ҳаёт кечирмоқдалар.

— Мен туғилган уйга телевизор олиб келишганида уни стабиллашторга, кейин токка улаш учун Наримон деган татар амакини чақиринганини яхши эсламан. Наримон телевизорни қўйиб берган отам уни моточикда уйга қўйиб келди. То отам келгунча биз телевизорга қўл текимай ўтирганимиз. Йигирма-йигирма беш йил наридаги гап булар. Мана бу болаларимга айтсам, ишонмайди. Чунки уйдаги компьютерда дарсини, сабогини тайёрлашни одатий ҳол деб биладиган авлодда булар...

Бу гапларни айтаётган уй соҳибни Анваржоннинг чиндан тўлқинланиб сўзлаётганига эътибор қиламан. Ха, ростдан ҳам шундай эди-да... Вилоятнинг энг моҳир қурув-



риб олмасак бўлмайди, ўзи". Ўзбекнинг андишасию очик кўнгиллиги... режа, муддатда топирилиши лозим бўлган объектлар, устаю қурувчиларни назорат қилиш, уларнинг кўнглига йўл топиш... бу ташвишларнинг барчаси ичида, сездиргиси келмайди, ўзбеклигини қориб, самимий мулозат қилиб тураверади.

Утган вақт мобайнини вилоятда саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани ҳар қадамда сезилади. Нафақат Жиззахда балки, рес-

бурган Юртбошимизнинг айна шу корхонада бўлиб, бу ерда меҳнат қилаётган ёшлар билан учрашгани ҳам бежиз эмас, албатта. Биргина 2013 йилнинг уч ойи мобайнида вилоятда "Жиззах Тошпета текс" тўқимачилик корхонаси, "Жиззах тоғ-кон кимё", "Фаворит линея", "Жиззах чорва барака" сингари корхоналарнинг ишга туширилиши вилоятнинг саноат соҳасида юқори натижаларга эришаётганини аңглатади. Ва бунда ёшларнинг ўрни ортиб бораётганини, бу ёш ўғил-


Бошланғич биринчи саҳифада.

— Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситаларининг бугунги кунда "тўртинчи ҳокимият" сифатидаги ўрни ва таъсири ортиб бормоқда. Шу боис, мамлакатимизда ҳазирги кун талабларига жавоб бера оладиган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланишда, бир неча тилни пухта эгаллаган журналистларнинг янги авлоди шаклланиб келмоқда. Зеро, оммавий ахборот воситалари юксак гоъвий минбар, жамият кўзгуси. У одамларни янгича фикрлашда, буюқ тарихга эга эканлигимизни аңглатишда, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳал қилувчи куч эканини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Қолаверса, миллий матбуотимиз одамларда ўз-ўзини аңлаб етиш, миллий қадриятларни қадрлаш, урф-одатларимизга содиқ қолиш каби маънавий-маърифий мезонларни шакллантиришга хизмат қилади. Яъни фуқароларимизда ижодкорлик ва бунёдкорлик имкониятларини кенгайтиради.

— Собик тузум даврида журналист ўз дилидаги гапларни эмас, ундан талаб этилаётган нарсаларни ёзишга мажбур эди. Истиқлол шарофати билан журналистларимиз қўлини боғлайдиган мафқуравий тушовлардан озод бўлди. Айни чоғда, жамиятда журналистнинг мавқеи ҳам ошди. Қанчадан-қанча танловлар, унвону мукофотлар журналист маҳоратини баҳоловчи мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Сиз журналистнинг айни шу жараёндаги ўрнини қандай изоҳлайсиз?

— Хар қандай касб эгаси фидойилиги туфайли обрў-эътибори, мавқега эришиши мумкин. Журналист ҳам фақат меҳнати ва жонқурлиги билан жамиятда исзат топади. Агар у ҳалол, фидойи бўлмаса, айтаётган сўзи салмоқ касб этмайди, бошқаларга таъсирли бўлмайди. Миллат ва эл-юрт манфаати йўлида ёниб қалам тебратётган журналистнинг меҳнати, албатта, кадр топади. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвонининг таъсиси этилгани, матбуотимизда самарали меҳнат қилган журналистлар ҳуқумат орден ва медаллари билан тақдирланаётгани, қалам аҳлини рағбатлантириш мақсадида турли танловлар ўтказилаётгани бугун соҳа вакилларининг ижодий изланишлари учун кенг йўл очилганидан далолатдир. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиш эса хар бир

мухбирнинг саяй-ҳаракати, изланишига боғлиқ, албатта. Утмиш ҳодисалари ва бугунги ўзгаришлар қиёсаларга, таҳлил қилинган, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланиб хулосалар чиқарилган, материал



ҲАҚ СЎЗНИНГ ҚАДРИ

— мақола деймизми, очерк деймизми, репортажми, албатта, кўпчилик эътиборини тортиши шубҳасиз.

— Жамиятда кечаётган жараёнларга матбуотдан кўра тезроқ таъсир кўрсатадиган қудратли восита йўқ. Шу маънода, публицистика — жамият қўлининг акс-садо-си, одамлар кўнглининг ифодачиси, деган нуқтаи назарни сиз қандай тушунасиз?

— Ҳаётимизнинг ҳар кунини янгиликларга бой. Айнан ана шу янгиликларга, ўзгаришлар журналистлар томонидан ҳозиржавоблик билан, ишонarli тарзда акс эттирилса, одамларнинг ҳаётдаги ўзгаришлар моҳиятини аңлаб етишига муайян даражада кўмаклашади. Публицистиканинг майдони аввал газета ва журналлар саҳифаси эди. Фан-техника тараққийи туфайли унинг майдони кенгайди. Телекўрсатувлар, радио эшиттиришлар, интернет катта аудиторияни қамраб олди. Аммо газета-журналлардаги очерк, фелъетон, эссе, публицистик мақола, агар ҳақиқатдан ҳам, мазмундор, таҳлилга бой бўлса, тарих саҳифаларида қолади. Чунки публицистиканинг бундай намуналарида ўша замоннинг нафаси, жамиятдаги ўзгаришлар "об-ҳаво"си акс этади. Масалан, Назир Сафаров, Йўлдош Шамсаров, Суннатулла Анорбоев каби адибларимизнинг ўтган асрнинг 60 — 80-йилларида матбуотда чоп қилинган мақола, очерк, эсселарида ўша давр нафаси, гарчи ўз даврининг мезонлари доирасида бўлса-да, акс этганди. Истик-

лол даври публицистикасида ҳаётимиздаги ижтимоий-сиёсий ислохотлар, маънавиятимизда юз берган тозариш, улкан бунёдкорлик ишлари кенг ва чуқур акс этайтир. Бугунги давр публицистикасига хос хусусият — бу яратувчилик жараёни одамлар қалбиде қандай акс-садо бераётганини, уларни нималарга даъват этаётганини теран илғаш ва кўрсата билмоқдан иборат.

— Публицистика Чингиз Айтматов, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шукр Холмирозав каби ёзувчилар ижодида жуда муҳим ўрин тутган. Бугун публицистларимиз улар ижодининг бу борадаги қайси жиҳатларини ўрганишлари мақсадга мувофиқ, деб ўйлайсиз.

— Ўқувчилар эътиборини тортган,

адабиёт тарихида из қолдирган талайгина асарлар очеркдан "уйиб" чиққан. Хамид Олимжоннинг "Зайнаб ва Омон", Абдулла Қаҳҳорнинг "Шохи сўзана" асарлари, Одил Ёқубовнинг "Диёнат", Пиримқул Қодировнинг "Қадрим", "Мерос" каби қиссалари, адабиётдаги яна кўпгина асарлар бунга мисол бўла олади. Ушбу машҳур асарлар замирида очерк туради. Адиблар айни асарлардаги қаҳрамонлар ҳаётини обдон ўрганган, уларнинг турмуш тарзи билан танишиб, фелъ-атворларини яқиндан кузатган. Ҳаётнинг чуқур ўрганилиши эса бадиий асарларнинг таъсирчан бўлишига пойдевор яратади. Аслида ҳам ижодкор ҳикоя, қисса, роман, драма, комедия ёзаётганида, албатта, унинг кўз олдида турли хангертлари одамлар туради. У ўзи танитган, билган, кузатган одамларини ҳаёлидан ўтказиб, адабий қаҳрамонлар образини яратади. Адабиётимизда бугунги кун қаҳрамонлари образи биз кутган даражада етарли эмаслиги сабаби ҳам адибларимизнинг машҳур ёзувчиларимиз сингари ҳаётнинг ичига кириб боролмаётганидир. Яъни, янги асар ёзиш учун шаҳару қишлоқ, далаю дашт кезиб, қисқа фурсатда бир кўз ташлаб келишинг ўзи камлик қилади. Зеро, турли тақдирли, касб-кори турлича бўлган кишилар билан астойдил мулоқотда бўлиш, улар сиртига чиқараётган гапларни илғаб олишгина ёзувчи учун яхши асар яратишга пухта замин бўлади.

Бу борада ибратли мисоллар ҳам йўқ эмас. Масалан, Абдулла Орипов-

нинг "Буюк келажак манзаралари" ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати"), Анвар Обиджоннинг "Тинчликнинг таъми" ("Халқ сўзи"), Ҳасан Абдураҳмоновнинг "Қиндик қони томган ер" ("Хуррият"), Ойбуви Очиловнинг "Умр ўткинчидир, ҳаёт абадий" ("Маърифат"), публицистик мақолалари "озод юртнинг обод масканлари ҳақида ўзига хос қузиштилар билан ёзилгани ўқувчини Ватани севишга, озоликни кўз қорачиғидек асрашга даъват этади. Муҳаммад Алининг "Кенжа қиз" очерки ("Ёшлик"), Фулом Мирзозиннинг "Истиқлол ва маънавият" ("Шарқ юлдузи"), Фаррух Хамроовнинг "Президент орасидаги қишлоқ уйлари" ("Ўзбекистон овози"), Улугбек Ҳамдамнинг "Инсон билан юксалар замин" мақоласида замондошларимизнинг бунёдкорлик фаолияти тўлақонли акс эттирил-

ган. Бундай таҳлилий очеркларга газетхонларда ҳамма ҳам эҳтиёж катта. Гулликба Раҳимбоевнинг "Халқнинг гулсузли китоби" мақоласида эса ўзбек оиласи, урф-одатлари, қадриятлари ўзига хос тарзда очиб берилгани у хар бир ўқувчида катта таассурот қолдириши, шубҳасиз.

Кишиларнинг ҳаёт йўли чуқур таҳлил этилган, орзу-интилишлари ҳаққоний ёритилган, ҳаётий мисолларга асосланган публицистик мақола, очерклар бўлгуси бадиий асарларга "хамиртуруш" бўлиши баробарида, кишининг ҳаётда ўз йўлини топиб олишига, турмуш синовларига бардош беришига, дуч келган машаққатлардан муваффақият билан ўтиб олишига ёрдам беради. Очерк, мақола қаҳрамонининг бошидан кечирганлари, интилишлари одамларга ибрат, маънавий мададга айланади.

— Журналистларни, одатда, давр солномачилари, дейишди. Шу маънода бугунги публицистиканимизнинг ютуқ ва камчиликлари нималардан иборат?

— Журналистларни "давр солномачилари" дейдиган бўлсак, улар олис қишлоқлардаги ислохотларни қуруқдан-қуруқ қилиб эмас, одамлар тақдир орқали кўрсатсини, ёшларга эътибор ва ғамхўрликнинг моҳиятини, қишлоқ ва шаҳарларимиздаги ўзгаришларни таҳлил орқали инсонларнинг онг ва шуурига етказишлари керак. Албатта, "у керак", "бу зарур" дейиш осон. Жонқуяр журналистларимизнинг интилишу изланишларини инкор этмаган ҳолда улар

қизларнинг қалбиде юрт равиноқиға даҳлдорлик ҳиссининг кун сайин бўйи чўзаётганлиги энг катта ютуқдир.

Шажарасозлик юртимизда қадимдан ўз анъанасига эга. Бу соҳада хар бир кентда уста-зодалар, меъморлар, омилкор боғбону гулчиларгача шаклланиган. Катта-кичик бинолар, сўлим боғлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қадимдан ривожланган. Мустақиллик йилларида эса бу соҳа аҳолининг яшаш даражасини яхшилашдек катта ниятлар билан янада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Президентимизнинг Жиззах шаҳрига ташрифи чоғида шаҳарнинг табиий шароити, одамларнинг яшаш тарзи, касб-корига мувофиқ тарзда шаҳарнинг маданий марказини ташкил этиш хусусида алоҳида тўхталиб шундай деди: "Пойтахтимиз Тошкент ва бошқа шаҳарларимиз тажрибасидан келиб чиқиб, Жиззах шаҳрининг маданий марказини яратишимиз лозим. Бундай марказ, авваломбор, аҳолининг мазмуни ҳордиқ чиқаришига, ҳаётдан завқ олиб яшашига хизмат қилди". Ушбу сўзларнинг амалга ошиши эса бинокор усталар, боғбон ва гулчилар меҳнати ва фидойилигига ҳам боғлиқ.

Жиззах туманида истиқомат қилувчи "Флора гуллари" фирмаси раҳбари Шарофат Норованинг фидойи меҳнати диққатга сазовор. Фаолиятини бир неча туپ атиргул парваршишдан бошлаган Шарофат опанинг қарийб ўн гектар майдондаги минг турли гуллари бугун шаҳар кўрқига кўрк бериб турибди. Йўлақларга экилган атиргул, каштан, арча каби гул ва ниҳолларини етиштириб беришда бошқа касблардан

кўра мураккаброқ бўлган нозик бир меҳнат тури бор. Хар бир гулга бир тирик жон деб қарайдиган Шарофат опа етказиб бераётган гуллар айни пайтда вилоятдан ташқариде ҳам ўз харидорларига эга. Юз минглаб атиргуллар, тагин бир дунё яшил-сарик бўлиб яшнаб ётган бу маъвода қандай қилиб бирини бошқасидан ажратиб олиш мумкин деб ҳайрон бўласиз, холос. "Оламини гулга кўмсам" деган неқбин тилакли бу тадбиркор аёлнинг меҳнатини кўриб, сув, қуёш, озуқа берилса ҳам меҳрли бир эътибор бўлмаса гул сўлади деган сўзларни эслашингиз тайин. Бу мулоҳазаларга жавобан Шарофат опа "Бу гуллар менинг қизларим, уларни яхши кўраман", дейди оддийгина қилиб.

Жиззах Нурота Зарафшон тизма тоғларининг қафтида, қадим буюк ипак йўлининг гуроси кесилишда жойлашган. "Жиз" ва "зах" сўзлари бирлигида, ҳам иссиқ, ҳам намгарчиликни етарли деган мазмунда пайдо бўлган бу макон танга деҳқон, бели бойли чўпони, оксоқол арбоблари, дарёдил шоирлари билан Ўзбекистон мулкида ўзгача бир гавҳардек яраклаб турибди. Сангзор дарёдан сув ичиб ётоғига йўл олган бобу чўшининг ортидан Зомин туманининг чирозидий майин шафақ тортилди. Кўзларинг кўнглингиз эргашиб уфққа боқсан.

Йўлдаги асалчининг атрофида чарх ураттиган болалардек шавқли бир ўйлар ҳалда чарх уради: қулиб чиққан офтобинг кўнглиларни ҳам нурга чулғайверсин, эй бағри кенг диёр!

Шодмонкул САЛОМ

Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 22 йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисидаги қарориде таъкидланганидек, чиндакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлди. Маънавият бамисоли тоза ҳавога ўхшайди. Ҳаво ҳамма жойни қамраб олгани сингари маънавият ҳам кишилар ҳаётининг барча соҳаларини ишғол этади. Миллатнинг маънавий даражаси қандай бўлса, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ҳам шунга мос бўлади. Чунки маънавият мамлакат хар бир фуқаросининг фикри, дунёқараши, ҳаётга муносабати, бир-бири билан ўзаро муносабати, иймон-эътиқоди, виждони, ор-номус туйғуларининг мукжасамидир.

Биз мустабид тузум даврида топталган маънавиятимизни тиклашда ўзимизга хос ва мос йўлдан бордик. Бошқалардан андоза олмадик. Шонли тарихимизга таяндик. Ўзбек халқи сингари буюқ тарихга эга халқ дунёда кам. Биз юнонлар, хитойлар, ҳиндлар сингари қадим тарихга, юксак маданиятга эга халқимиз. Бу билан фахрланишга, гурурланишга ҳақликми. Аммо хар биримиз шундай бекиш маданиятини мерос қолдирган улуг аждодларимизга муносиб ворис ҳам бўлишимиз керак. Ўзини юксак маданият эгаси санайдиган айрим мамлакатлардаги беҳаёт турмуш тарзи улар ахлоқ бобида қанчалик таназулга тушиб қолгани, маънавияти тубанлашганини кўрсатиб турибди. Журналистларимиз аждодларимиз ардоқлаган қадриятларда кўп асрлик турмуш тажрибамиз мукжасамлиги, катталарга ҳурмат кўрсатиш, кичикларни исзат қилишда, теран ҳикмат мавжудлигини образли ифодалар ҳаётий мисоллар асосида талқин этишлари зарур. Чунки маънавият барча замонларда ҳам инсоннинг ўзалигини сақлаш омилли бўлган.

Одамлар орасидаги ҳамжиҳатлик, бир-бирига ишонч-ҳурмат мамлакатнинг хар жиҳатдан тараққий этишини тинчлик ва осойишталик мустаҳкам қарор топишини таъминлайди. Ватан ва миллат манфаати ҳаммаи шахсий истак-хоҳишдан устун туриши керак. Бинобарин, журналист ўз ижодида доимо халқчилик, ҳаққонийлик, умуминсонийлик тамойилларига Ватан ва халқ манфаатлари устуворлигига асосланиши лозим. Шундагина халқ олдидаги фарзандлик бурчини бажарган, виждон амрига қулоқ тутган бўлади. Ҳақ сўз ҳаммаи кадр топади.

Гулҳебра АШУРОВА сўхтаблади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

Алишер Навоий шахсини аниқ тасаввур қилиш миллат руҳини тасаввур қилиш билан баробардир. Чунки кейинги салкам олти юз йиллик тарих давомида Навоий миллатнинг тинчлиги ва виждонига айлана бўлди. Шахсини унинг таржиима ҳоли — ҳаётини ва ижодий йўли тўлиқ намоён қилади. Таржиима ҳол унинг тарихидир.

Адабиётшунос олим Шухрат Сирожиддиновнинг «Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» номи китоби бизга буюк шоирнинг шахсини кенгроқ тасаввур қилишга имкон беради. Китобни мутолаа қила туриб, Навоий шахсининг маҳобатини ҳис этасиз. Бунинг учун муаллиф қанча қўлэмалару, қанча манбалар ичида яшаган. Урта асрларнинг қанча ноаён ҳудудларига руҳан кириб чиққан. Навоий ва унинг замондошлари билан қадим Хуросон ва Мовароуннаҳр манзилларида маънан бирга яшаб кўрган. Шунча манбаларни ўрганиб чиқишга, сўнг уларни қиёсий типологик, ай-

манбалар билан тиллашган, бахslashган. «Амир Алишернинг тарихчиси Хондамирнинг жиянининг жиянидан эшитишимча, эмишким, андоқким...» каби лағмондай бўзилиб, қозондан чиқиб кетган гаплар ҳам баъзи манбаларда талайгина топилади. Муаллиф бу каби юракдан юраккамас, чўнтакдан чўнтакка ўтиб юрган гапларга ҳам аниқ муносабатини билдириб, даҳо шоирнинг таржиима ҳолига тупуқлаб ёпиштирилган бундай маълумотларни Ансорий остонасини сулурувчининг супурғиси билан четга сулуриб қўйди. Китобнинг бошлар ва мавзуларга бўлиниши ҳам юксак фаросат ва жиждий мулоҳаза-

даги шу пайтагача мавжуд бўлган ушбу воқеа билан боғлиқ қарашлардан ўзгача мулоҳазаларни илгари суради. «Ҳа, шундай экан-да, ҳамма шундай деган-ку», деб қўя қолмайди. Кимдир айтиши ҳам мумкин: «Хўш, Навоий муҳрдорлик вазифасида қолди нима-ю, кетди нима? Навоий қайда-ю, муҳрдорлик қайда?», деб. Гап шундаки, худди шу вазият ҳам Навоий шахсидаги муҳим жиҳатларни тасдиқлайдиган ҳужжатдир. Бунинг китобни мутолаа қилиш жараёнида аниқ билиб оласиз.

Навоийнинг: «Кўюб бедорлиғ фарзона бўлгил, Илик ур ишгаву мардона бўлгил» деган байти ҳар кимга ҳар лаҳзада ҳаётини шир бўлса арзийдиган байтдир. Шухрат Сирожиддинов бу китобда Навоийнинг бундай ҳикмат байтларини шоирнинг таржиима ҳоли билан боғлаб таҳлил этади. Шоир айтган ҳикматлар унинг ўз ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ эканлигига амин бўласиз. Баъзан «Шоирнинг шахси бошқа-ю, ижоди бошқа. Унинг ижодини ўрганишда, шахси билан ишингиз бўлмасин» дейдиганлар ҳам топилади. Бу мутлақо нотўғри гап! Шоирнинг шахси қандай бўлса шеърини ҳам шундай бўлади. Модомики, шахсининг шахслиги унинг қалби, руҳи, тафаккури, қарашлари ва туйғуларининг жамланмасидан иборат экан, шеър ҳам фақат шу ҳодисаларнинг мевасидир. Андрей Вознесенский: «Шеър ҳодиса бўлиши керак» деганда шуларни назарда тутган бўлса ажабмас.

Алишер Навоий ва атрофидагиларнинг ўзаро муносабатлари қандай бўлишидан қатъий назар, дейлик, ким ким биландир самимий, ким биландир қалтис, ким биландир душманлик ҳолида бўлишлари каби муносабатларнинг ҳам ўз тарихий ўрни бор. Китобда бу масалалар ҳам синчковлик билан таҳлил қилинган. Чунки бу муносабатлар ҳоқлайимизми-йўқми, ўша давр руҳини очади, халқ ва салтанат ҳолатидаги муҳим манзараларни чизиб беради. Масалан, Навоий саройдан бироз четлаб, ижодий ишлари билан машғул пайтлари сарой мулозими Мирҳожий Пирнинг шоирга бепасанд ва ҳақоратомуз муносабат кўрсатиб, унинг юрагига гулгула солишлари, ташвишланган Навоийнинг изидан йигирма қадамча эргашиб бориши каби ҳолатлар таҳлилни ўқитганимизда кўнглингиз қаттиқ оғрийди. Абдурахмон Жомий, Хасан Ардашер каби фозиллар билан муносабатлари таҳлилда ўрта асрларнинг маънавий руҳини ҳис этиб, кўнглингиз улғаяди. Шоирнинг Султон Хусайн билан гоҳ сокин, гоҳ долғали муносабатлари тарихидagi собитлик ва силкинишлари кўзга тўриб, икки нодир қалб кечинмалари мамлакат ва адабиёт кечинмалари билан туташиб кетганига гувоҳ бўласиз.

Мутолаа жараёнида бу воқеалар бундан беш юз йил муқаддам эмас, гўё беш-ўн кун аввал содир бўлгандай қаттиқ таъсирландим. Шунда Навоий шахси атрофидаги бу тарихлар ҳаммамизнинг, бутун бир миллатнинг тарихи ҳам эканини ҳис этдим. Бу тарихлар ҳар биримизнинг ичимизда яшаётганини англагандай бўлдим.

Алишер Навоий шахсини тўлиқ тасаввур қилиш биз учун жуда муҳим. Бунга эришиш учун эса, ҳар биримиз тафаккур даласида тер тўкиб кўришимиз керак. Навоий шахсини англаш ҳар кимнинг ўзлигини англашга ёрдам беради. Чунки Навоийда бизнинг руҳимиз ва қалбимизга зарур бўлган ҳамма нарса бор. Айтиш мумкин: «Навоий адабиётшунос олим Шухрат Сирожиддиновнинг «Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили» китобини Давлат мукофотига муносиб фундаментал тадқиқот, деб ҳисоблайман.

Эшқобул ШУКУР

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

Таълимнинг самараси мукамал тузилган дастурга, дарсликка, устознинг таърибига, аниқ, содда, атрофлича маълумот берадиган қўлланмага боғлиқ. Афсуски, бизда айнан қўлланмалар бўйича етишмовчилик анчайин сезилиб қолмоқда. Бу йўналишда методист-ўқитувчиларнинг изчил иш олиб боришларига эҳтиёж бор.

Шу маънода филология фанлари номзоди, доцент Дилнавоз Юсуповнинг яқинда чоп этилган «Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. Алишер Навоий даври» («Академнашр», 2013) номи қўлланмасини мумтоз адабиётимиз тарихидаги энг муҳим таркибий қисмини ўрганишда зарур қўлланма сифатида баҳолаш мумкин.

Мазкур қўлланма Республика олий ўқув юрталари ўзбек филологияси ва журналистика факультетлари бакалаврият ихтисослигининг биринчи босқич талабалари учун мўлжалланган бўлса-да, ундан шу босқичларда машғул ўтказадиган устозлар, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўзбек адабиёти фани ўқитувчилари, ҳатто олий ўқув юрталарига киришга тайёрланаётган абитуриентларга-ча фойдаланиши мумкин.

Бугунги кунда олий ўқув юрталарида анги технологиялар асосида машғул олиб бориш маърузачи устоздан ҳам, амалиёт машғулотларини ўтвучидан ҳам катта тайёргарликни талаб қилмоқда. Айниқса, талабалар зарур маълумотларни олиш ва тўплаш учун манбаларни топишга қийналади. Аввалги дарслик, монографияларда эса буюк адиб ижоди таҳлилида бир қатор методологик ва методик камчиликлар борлигини инкор қилолмаймиз. Хусусан, шоир ижодида гоёвийлик масаласига кўпроқ ўрин берилиб, айни чоғда сўз санъати намуналарини ижодий кашфиёт сифатида бадиийлик нуқтаи назаридан атрофлича таҳлил қилиш сирларини кўрсатишга етарли эътибор қаратилмагани аниқ кўзга ташланади. Д.Юсупова қўлланмасида олий ўқув юртида ўқитилган мавзулар моҳиятини бугунги кун талабига биноан тушуниш учун замин ҳозирлашга алоҳида эътибор берилгани эътирофга лойиқ.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш учун мундарижа назар ташлашнинг ўзи қифоя. Шоирнинг илмий биографиясини яратишга интилиш муаллиф ҳаракатидан сезилади: Навоий ўз асарларида ҳаётини қандай маълумотлар бергани, умр йўли, ижодидаги тараққиёт унинг замондошлари (Абдуразақ Самарқандий, Мирхон, Давлатшоҳ Самарқандий, Абдурахмон Жомий,

Фахри Ҳиротий, Мирзо Ҳайдар Дўғлот, Лутф Алибек Озар), XX аср адабиётшунослари, чет эл наврийшуносларининг тадқиқотларида қандай таҳлил этилгани изоҳли қайдлар орқали ёритилган.

Ўқувчи қўлланмада буюк шоиримизнинг ижодига муносабат мустақиллик йилларида ижобий томонга ўзгарганини далиллар билан кўришга мумкин бўлади. Жумладан, танқили олимлар А.Қаюмов, С.Ғаниева, Н.Комилов, А.Ҳожаҳмедов, Ш.Сирожиддиновнинг янги тадқиқотлари, филология фанлари доктори А.Эркинов аниқлаган «Оқюнонли ихлосмандлар девони», интернет сайтларида берилган маълумот қалитлари, Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан бирга, адибнинг диний, тасаввуфий, тарихий ва бошқа мавзудаги асарлари ҳам кўрсатиб ўтилади. Кўп йиллик таърибамизга асослашиб айтишимиз мумкинки, талаба илмий адабиётда келтирилган айрим назарий тушунчалар изоҳини топишга қийналади. Масалан, мумтоз адабиёт ҳақида гап борганда, адабий жанрлар номларини, муаммо, таърих, луғз каби атамаларнинг шарҳини топиш мураккаблик туғдиради.

Қўлланмада кўрсатилган ҳар бир атаманинг шарҳи содда тилда тушунтирилади. Аруз вазнидаги байтлардан намуна берилганда, шеърини асар номи тилга олинганда, баҳр номи, тактеси, афойили билан таништирилади. Икки юздан ортиқ таянч тушунчалар, савол ва топшириқлар талабга олган билимини мустақамлашда қўл келади.

Қўлланмада берилган 32 та пухта тузилган жадвалда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини тўлиқ камраб олган маълумотлар ўта қисқа ва аниқ ифодасини топган. Бинобарин, ўқувчининг бирор далилни қайта эслashi учун китобни қайта варақлашга эҳтиёж қолмайди, исталган маълумотни ана шу жадвалдан топиш мумкин. Хуллас, Д.Юсуповнинг «Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. Алишер Навоий даври» китоби буюк адиб ҳақида тўлиқ билимга эга бўлишда талабаларимизга амалий ёрдам берувчи зарур қўлланмага айланади, деган умиддамиз.

Омонилла МАДАЕВ, ЎзМУ доценти

ОППОК ОЛАМ МАНЗАРАЛАРИ

Мамлакатимиз бўйлаб китобхонлик байрамлари қизиб давом этмоқда. Танқили адиблар, шоирлар туман ва қишлоқларда бўлиб, китобсеवार муҳлислар билан учрашувлар уюштиришяпти. Бун-

аҳамият касб этмайди. Тақдиротлар жараёнида биз мамлакатимизда матбаачилик нечоғли ривожланиб кетганига ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз. Айниқса, «Ўзбекистон», «Шарқ» каби нашриётлар-

ровийга ёқмайди. Тезроқ шубҳали шахслар кутулиш пайига тўшса-да, йигит унлик ажралгиси келмайди. Ровийга эргашиб кутега қиради. Бироқ у ердаги талаба-ҳамроҳларда ҳам бу йигит шубҳа уйғотади. Айниқса, ўша нотаниш йигитнинг яқиндагина қамқондан чиқгани маълум бўлган, купедагилар саросимига тушилади. Ҳамма ундан тезроқ кутулиш пайига тушиб қолади. Неча йил овоз одамлар даврасини кўмсаган, ўзига ҳамдард, ҳамсўхбат излаган йигитнинг эса, ҳафсаласи пир бўлади, у талабалар даврасини хафа ҳолда тарқ этади. Ҳикояни ўқиб, бу йигитга кўнглимизда хариҳолик туйғуси пайдо бўлади. Талабаларга эса ачинасиз. Улар асоссиз иштиёқ билан киришдим. Ҳикояларда ёшлик жўшқинлиги, бегуборлиги уфуриб турибди. Шунинг баробарида ёзувчининг илк ижодига хос айрим қусурлари ҳам кўзга ташланади. Муҳими, катта теъдоднинг кенг бадиий оламини ҳис этдим. Луқмон Бўрихонга хос тасвирдаги тиниклик, воқеаларнинг жонли ифодаси, энгил юмор, тиглигина сатира бу тўпламдаги асарларда ҳам ўз аксини топган. Менга айниқса, «Кўнок», «Ялангоёк», «Алдоқчи тунар» ҳикоялари маъқул бўлди.

Китобхон мулоҳазаси

дайд тадбирларда турли нашриётлар томонидан чоп этилган китоб ва рисоаларнинг тақдироти ҳам ўтказилмоқда. Эеро, халқимиз маънавиятини юксалтиришда ҳеч нарса китобдай

нинг махсулотларини кўриб кўзимиз қувонади. Чоп этилаётган асарнинг асарларнинг сийрати ҳам сурати каби гўзал ва сермазмундир. Зерзавқ, серфайз ўтган тақдиротларнинг бирида таникли ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг «Тун қаъридаги шўъла» номи тўплами қўлимизга теғди. Мен Луқмон Бўрихоннинг роман ва қиссалари орқали яхши билганим учун «Тун қаъридаги шўъла»нинг мутолаасига

кўрқув ва таҳликаларнинг тутқунлари. Яқинда панжара ортини тарқ этган йигитга эса ҳавасингиз келади, чунки унинг оппоқ ранглардан иборат ўз олами бор. У ўша оламда яшайди. Ҳикоя якунида ўқувчи ҳам ўша олам сари интилаётганини, юрагиди ёрғу ҳислар пайдо бўлганини ҳис қилади.

Луқмон Бўрихоннинг «Тун қаъридаги шўъла» тўплами «Шарқ» НМАК томонидан бежарим ҳолда чоп этилган. Ферзатдан фойдаланиб халқимизга шундай сермазмун, астойиб китоблар туҳфасига атайиб нашриёт ҳодимларига ҳам миннатдорлик билдираимиз.

Дилрабо БОБОМУРОВА, Ғузур туманидаги 18-мактаб ўқитувчиси

НАВОИЙ ШАХСИНИ АНГЛАШ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

ниқса, текстологик таҳлил қилишга қанча куч, қанча чидам, қанча вақт керак бўлар экан, деб ўйланиб қолдим. «Масалан, — деб ёздаи муаллиф, — «Ҳабиб ус-сияр»да Ғиёсиддин Кичкинанинг лақаби Ғанжикана (ёки Канжикана, Канжакина), Кижакана (ёки Кижакания) тарзида учраши хаттотлар томонидан нуқталар қўйилмай кетгани оқибатида юз берганига ишонч ҳосил этганимча, «Ҳабиб ус-сияр»нинг ўнлаб қўлэм ва босма нусхаларини кўриб чиқишга тўғри келди».

Китобда Алишер Навоийнинг таржиима ҳоли билан боғлиқ манбалардаги аксарият тарихлар жамланган. Фойдаланилган барча манбалардаги маълумотлар ниҳоятда эҳтиёткорлик ва зуққолик ила таҳлил этилган. Китобни бадиий асардай мароқ билан ўқийсиз, гўё унда бадиият билан илмий таъниқни қиришгандай... Шунинг учун ҳам бу китобни академик ўқиса ҳам, оддий деҳқон ўқиса ҳам баҳрамандлик ҳис этсалади.

Кўплаб тарихий рисоаларда бирор шахсининг таърифу тавсифини маромига етказиб ёзиш бизда удум бўлган. Бунинг гоёта эътиборли жиҳатлари ҳам бор. Масалан, зикр этилаётган кишига эҳтиром маъносига, асар ёзиш маданияти, ўзаро ҳурмат ва улуглаш маъносига бу услуб зарур бўлган. Шунинг учун уларда мулоҳаза мадҳ, маҳобату таърифга кенг ўрин берилган. Гап шундаки, ровийимиз Шухрат Сирожиддинов бундай ҳолатларда ҳам асло надғимаган. Ҳақиқ фодалару, мулоҳаза маҳобатини ҳам ўз ўрнида тўғри қабул қилиб, хулосага келганда фақат илмга, мантиққа, тарихий ҳақиқатга асосланган.


Алишер Навоийнинг ҳаётида мураккаб вазиятлар, катта бурилишлар кўп бўлган. Муаллиф уларнинг ҳеч бирини назардан четда қолдирмади. У бундай ҳолатларни шарҳлар экан, ҳам қатор манбалардаги маълумотларни, ҳам Навоийнинг ўзи айтиб кетган мулоҳазаларини, ҳатто шеърлардаги таржиима ҳолга тақаладиган мисраларни бир-бирига қиёслаб, эринмасдан таҳлил қилади. Масалан, 1469 йилда Хусайн Бойқаро Алишер Навоийни Самарқанддан қақиртириб олиши ёхуд кейинчалик шоирга бетоблигининг изланиши, унинг Астро-бодга ҳоким бўлиши, Навоий ва Султон Хусайн ўртасидаги муносабатлар қадам-бақадм таҳлил этилган кўплаб ҳол ва ҳодисалар бунга мисол бўлади.

Китобда Навоий шахси атрофидаги турли узунқоқ гаплару уйдирмаларнинг ҳам оқи оққа, қораси қорага ажратиб берилган. Чунки муаллиф бу жараёнда битта-иккита манба билан эмас, балки ўнлаб, юзлаб

лар билан амалга оширилган. Ҳар бир бобдаги мавзу қизиқ кечмишлар, мулоҳазалар, тафсилотлар ва таҳлилларга бой. Дейлик, ўқувчи китобни тўсатдан қўлига олиб, дуч келган жойдан, масалан, биринчи бобдаги ўн биринчи мавзу («Яқинлари ва суҳбатдошлари»)ни алоҳида ажратиб ўқиса ҳам, бу мавзу уни ундан олдинги бўлимлар ва кейинги бўлимларга етаклаб кетиши аниқ. Чунки сиз бундан олдин нима бўлган-у, ундан кейин нима бўлганига қизиқиб қоласиз. Яъни китобда ажратиб кўрсатилган ҳар бир мавзу бу китобга кириш учун эшик вазифасини ўтайверади.

Навоийнинг Астро-бодга «сурғун» қилиниши, Султон Хусайн ҳамда Навоий ўртасидаги эътиборли ишлар ва бошқа шу каби қалтис хулосалар ҳақида энди ўйлаб, билиб мулоҳаза юритишимизга тўғри келади. Муаллиф «Астро-бод сурғунини» масаласида ҳам ўзгача қарашларни илгари суради. У Астро-бодга ҳокимлик ҳаминша султоннинг энг яқин одамларига мўяссар бўлганини, қолаверса, бу пайтда шоирнинг Астро-бодга ҳоким бўлиши сиёсий вазият учун, мамлакат тақдирини ундан жуда муҳим бўлганини таъкидлайди. Бу ҳақда ўтган аср наврийшуносларининг кўпчилиги «Бартолднинг фикрлаш қолипи, умумсовет адабиёти илмига хос бўлган «говий кураш» принципларидан чиқолмаган»-ликларини кўйиб ёзади. Албатта, кейинги юз йилликда наврийшуносликда Бартолд қарашлари ҳукмронлик қилгани сир эмас. Яна шунини алоҳида таъкидлашнинг зарурлиги, шундай мураккаб бир даврда Навоийни ўрганиш бора-сида Бартолднинг катта хизматларини ҳеч ким инкор этмайди. Лекин Навоий шахсини тўлақонли тасаввур қилишда ўтган даврда ясалган қолиплар ўлчами энди ўлчам бўлмаслиги аниқ. Ўтган давр ва мустабид тузум, совет мафкураси босими сабаб, «Бартольд монополияси» Навоийнинг шахси ва таржиима ҳоли масаласида англашилмовчиликлар келтириб чиқаргани энди аниқ кўришиб қолаёпти. Бу эса наврийшуносликда янгича фикрлаш, ўзгача таҳлил ва талқинга зарурият пайдо бўлганини кўрсатади. Шухрат Сирожиддинов бу ҳақда: «Афсуски, баъзи яқинда нашр этилган тадқиқотларда ҳали ҳам эскича фикрлаш ҳукмронлик қилмоқда», деб ёзади.

Муаллиф Навоий ҳаётидаги ҳар бир воқеани ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт билан боғлаб таҳлил қилади. Масалан, шоирнинг биргина муҳрдорлик вазифасидан истеъфо бериши (ўрнига ўзи Шайхим Суҳайлийни тавсия этиши) воқеасини олайлик. Шу жараёнинг ўзи жиждий таҳлил этилган, текширилган. Бунга муаллифининг анча вақт ва кўч сарфлагани шундоқ кўришиб турибди. Шу ўринда ҳам у наврийшунослик-



Эшқобул ШУКУР

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

2013 йил, 3-сон

Ёзувчи Михаил Гарнинг ёрғ хотираларга йўрилган «Маҳалламнинг олтин тулқонлари» публицистик мақола-си билан очиладиган журналнинг ушбу сониди бир неча насрий асар эълон қилинган. Жумладан, Тўлқин Ҳайитнинг «Бақо гули» романига мухтасар сўзбошида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али: «... адабиётимизда ўзига хос бир самимий руҳда ёзилган асар юзага келди. «Бақо гули»нинг сизларга сеvimли бўлиб қолишига ишонаман», деб ёзади.

Бошқа насрий асарлар қаторида сиз Улугбек Ҳамдамнинг «Наъматка» минни романи, Холиёр Сафаровнинг «Уйга қайтиш» номи ҳикояси билан танишасиз.

Бугунги ўзбек шеърини янги ахратилган саҳифаларда шоирлардан Икром Отамурод, Рустам Мусурмон, Абдурахим Азим ва бошқаларнинг янги туркумларини ўқийсиз. Шодмон Отабекнинг «Сиз учун яшайман» пиесасининг давоми, хоразмлик ёш шоирлар ижодидан намуналар, Махмуджон Нурматовнинг ғазаллари, Бахтиёр Генжамуроднинг Рустам Мусурмон таржиимасидаги шеърлари, «Унутмас мени боғим» рункида шоир Асқар Қосимов ижодидан намуналар ҳамда Николай Ильиннинг

Ойгул Суяндиқова таржиимасидаги шеърлари журнал мундарижасига рангбаранглик бағишлаган. Журналнинг ушбу сониди Ўзбекистон ёзувчилар уюмчаси кенгашларининг йиллик ҳисобот маъруза матнари эълон қилинган. Ушбу маърузалар 2012 йилги ижод хирмони — наср,

Журналларни варақлаганга

шеърят, драматургия, болалар адабиёти, адабиётшунослик, публицистика, таржиима ва интернет адабиётда эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар таҳлилига бағишланган.

Мумтоз шарқ адабиёти муҳлислари Жалолиддин Румийнинг «Мажолиси сабаъ» (Етти мажлис) (турк тилидан Р.Ҳакимжонов таржиимаси) ва Абул-Ҳасан Ҳужвийнинг «Кашфулмахжуб ли арбуул-қулуб» (Сирларнинг кашф этилиши) (М.Махмудов ва З.Баҳриддинов таржиимаси) рисоаларини мутолаа этиш имконига мўяссар бўладилар. Адабиётшунослар Қурдош Кахрамоновнинг «Шухрат асарларида давр руҳи» мақоласи, Иқбол Адизовнинг Увайсий шеърини образ ва рамз муносабатларига доир қузатишлари ҳам муҳаққислар, қолаверса, адабиёт муҳлислари эътиборини тортади.

«ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ»

2013 йил, 2-сон

Журналнинг ушбу сониди тилшуносликнинг долзарб илмий муаммоларини ўрганишга бағишланган Ё.Одиловнинг «Ирония ва энантосемия» ҳамда Ш.Ис-

кандаровнинг «Кўшма гаплар таснифи тамойиллари» номи тадқиқотлари эълон қилинган.

«Қофия шеърининг шунчаки шаклига қўйиладиган талаб эмас, айни пайтда унинг образличилигини тайин этадиган муҳим усурлардан бири... Кофияли шеърнинг таъсири қофиясиз шеърга қараганда қучилроқ эканлиги ҳам бир жиҳатдан шу билан боғлиқ», деб ёзади Н.Афоқова «Қофияга оид айрим мулоҳазалар» мақоласида. Д.Ураевнинг «Гулафшон айтмиларининг ўзига хос хусусиятлари» мақоласида қадимги аждодларимиз ибтидоий-филологик тасаввур-тушунчалари ва турли диний-этикордий заминда шаклланиб, ўзига хос бадиий-тадрижий тақомилга эришган халқ таъботига оид гулафшон айтмилари таҳлиллари олинган. М.Холбековнинг «Ролан Барт ва структур адабиётшунослик»

мақоласида Европа адабиётшунослигида структурализм негизидида шаклланган танқид ва таҳлил йўналиши ҳамда унинг йирик намоёнчаси Р. Барт ҳақида батафсил мулоҳаза юритилган.

Адабиётшунослик ва тилшуносликнинг кўплаб мавзулари ёритилган илмий ахборотларда мумтоз адабиётимиз (Д.Ражабов, «Девону луғатит турк»даги адабий парчалар ҳақида), С.Ғаниева, «Алишер Навоий ва Ҳожу Кирмоний»), замонавий ўзбек шеърини ва насри (М.Кўчқорова, «Бошсиз одам» ҳикоясининг талқинлари), Б.Бурунова, «Шукур Холмирзаев ҳикояларида пейзаж»), ўзбек халқ оғзаки ижоди, луғатчилик, тилшунослик муаммоларига эътибор қаратилган.

«Мерос» рункида Кўкон адабий муҳитининг XIX аср охири — XX асрнинг биринчи ярми бўлинига мансуб шоир Мулла Ермухаммад Ёрий ижоди ҳақида М. Жўраевнинг мақоласи ва Ёрийнинг бир неча ғазали, Ҳофиз ғазали таржиимаси, муҳаммас ва мураббалари берилган. Шунингдек, «Танқид. Тақриз. Библиография» рункида турли нашриётларда чоп этилган мумтоз ва замонавий адабиётшуносликка доир китоблар ҳақида маълумотлар билан танишасиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

ЎЗБЕК АНЪАНАВИЙ ТЕАТРИ

Профессор Мухсин Қодиров халқ ижодиётининг улкан тармоғи бўлган масхарабозлик, қизикчилик, аския, қўғирчоқбозлик, дорбозлик, рақс, от ва ёғочёқ ўйини, бир сўз билан айтганда, томоша санъатларининг юзага келиши, тарихий тараққиёти, уларнинг ўзаро мустаҳкам боғлиқлиги, алоқаси, ижро усуллари, бугунги ҳолати, бундай санъат турларининг асоси ҳисобланган озғак драматургиянинг яратилиши ва ўзига хос хусусиятларини изчил ўрганиб келатган олимларимиздан биридир.

Санъатшунос М.Қодировнинг тадқиқотлари илмий чуқурлиги, кўп ҳолларда қўйилган муаммо биринчи бор ўрганилаётгани билан ажралиб туради. Бугина эмас. У ўз тадқиқотлари билан томоша санъатини ўрганишнинг назарий асосларини ишлаб чиққан, унинг услуб ва йўналишларини биринчилардан бўлиб белгилаб берган. Шу маънода, олимни санъатшуносликда театр фольклоршунослигига асос солган йирик тадқиқотчи сифатида баҳолаш, ҳақиқатни айтган бўламиз. Бундай хулосага келишга унинг биргина "Ўзбек анъанавий театри" монографиясининг ўзи асос бўла олади.

Мазкур китоб олимнинг узоқ йиллар олиб борган илмий кузатувлари, ўнлаб экспедициялар давомида ёзиб олинган озғак драма намуналари матнлари, жонли ижро тасвирлари ва кўринишларининг, намойишларда қўлланган воситалар (ниқоб, усул, куй ва бошқалар)нинг таҳлили асосида назарий хулосаларга келишга, ушбу асослар анъанавий театрнинг узоқ даврларни босиб ўтган тарихини ягона тизим негизда тиклаш ва ёритишга имкон берган, хулосаларнинг аниқ ва қатъийлиги ҳам ана шундай таҳлилларнинг натижасидир.

Чинакам олим биргина йўналиш теварагида айлиб қолмайди. Аксинча, ёндош соҳа, фанлар тажрибалари, назарий қарашлар билан яқиндан танишиб, ўз объекти ўзагида турган қонуниятларни хар томонлама изчил ўрганиб, тегишли хулосалар чиқаришга ҳаракат қилади. Шу маънода Мухсин Қодиров санъатшуносликдаги қиёсий таҳлил доирасини янада кенгайтирди. Анъанавий театрни фақат санъатшунослик материаллари асосида эмас, балки тарихий ва этнографик маълумотлар билан бирга ягона микёсда ўрганиш зарурлигини асослаб берди. Биз бу хил тадқиқот усулини олимнинг "Ўзбек анъанавий театри" монографиясида яқиндан кузатамиз.

Монографияда анъанавий театр тарихи ва уни жонли ижро шароитларида бизгача олиб келган ижрочилар, ижодкорлар маҳорати масалалари археологик, тарихий-этнографик, филологик материалларга, тасвирий санъат намуналарига қиёслаш асосида театршунослик нуқтаи назаридан хар томонлама умумлаштириб тадқиқ этилган. Бунда текшириш объектини, бир томондан, интерполяция, яъни миллий материалларни бошқа халқлардаги аналогик ҳодисаларга қиёслаш, иккинчи томондан, ретроспекция, яъни бугунги жонли ижрода мавжуд намуналарни уларнинг олис тарихда элас-элас сақланиб қолган қолдиқлари билан муқояса қилиш ва шулар асосида хулосалар чиқариш асосий ўрин тутади. Шу сабабли муаллифининг монографияда илгари сурган назарий хулосалари фойда аниқлиги, муҳими, истиқболга йўналтирилганлиги, яъни бўлғуси тадқиқотларга назарий асос бўла

олиши билан ажралиб туради. "Ўзбек театр санъатининг тарихи, — деб ёзади муаллиф, — камида 2700 йил билан ўлчанади, қуртаклари эса, анча олдин пайдо бўлган. Ўзбек халқининг таркиби ва шаклланиши қанча мураккаб кечган бўлса, анъанавий театри, умуман санъати шунча мураккаб йўللари босиб ўтди: Юнон ва Эрон санъатлари билан беллашган пайтлари ҳам, инқирозга юз тутган чоғлари ҳам бўлган; гоҳ ёзма асарлар асосида иш кўрса, гоҳ озғак ижодга ўтиб олган; баъзи замонларда ўз маҳорати билан кўшни ўлкаларда ҳам шуҳрат қозонган бўлса, баъзида ўзи кўшни ёки келгинди санъаткорларнинг таъсирига тушган. Шунга яраша бир тарих бир қанча даврларни ўз ичига олади. Даврлар бир-биридан қанча фарқ қилмасин, бири иккинчисига занжирдай улашиб, ягона тарих ҳосил қилади". Бундай аниқ ва дадил хулоса муаллиф, масхара, қизиклар санъати, хотин-қизларнинг театрлаштирилган томошалари, қўғирчоқ ўйини, аския, дор ўйини, рақслар, анъанавий шакллардаги бир актёр театри хусусиятларини ёритиш ва уларнинг локал белгиларини аниқлаш, юзга яқин озғак драматургия намуналарини таҳлил қилиш орқали хар томонлама асослаб берилган. Бу эса халқ ижодиётида муҳим ўринга эга бўлган анъанавий театр ҳақида айтилган санъатшунослик ва фольклоршуносликнинг катта ютуғини кўрсатувчи назарий умумлашмадир.

Мухсин Қодиров ўз тадқиқотларида санъатшунослик ва фольклоршуносликка доир бир қанча тушунчаларга аниқлик киритди. Озғак анъана ва жонли ижродаги бир неча санъат турларини яқинлаштириб, "томоша санъати" тарзида қўлаш, "озғак драма", "халқ театри" тушунчалари ўрнига "озғак драматургия", "анъанавий театр" атамаларини ишлатиш зарурлигини асослаб берди, оммавий қўлланчи доирасига ўтказди. Шу нуқтаи назардан баҳо берилса, "Ўзбек анъанавий театри" монографиясида "Анъанавий театрга доир ва алоқадор атамалар-луғати"нинг илова қилиниши эътиборга сазовор.

Бугунги кунда мустақиллигимиз шарофати, Юртбошимизнинг бевосита раҳнамалигида маънавиятга, халқимизнинг номоддий маданий меросига бўлаётган улкан эътибор қамровида олиб баҳоланса, санъатшунос Мухсин Қодировнинг илмий тадқиқотлари, хусусан, "Анъанавий ўзбек театри" монографиясининг илмий, амалий қиммати янада ёрқин кўриниш олади. Ушбу асосларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, олимнинг айна китоби Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотиغا номзодликка муносибдир.

Тўра МИРЗАЕВ, филология фанлари доктори, профессор Шомирза ТУРДИМОВ, филология фанлари доктори

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, "Шуҳрат" медали соҳиби Алишер Алиқулов ижоди истиқлол йилларида шаклланиб, миллий рангтасвир санъатида тобора янги пиллапоёларга кўтарилиб бормоқда. Рассом ижодининг бошланадиган ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларига тўғри келади. Институтда таҳсил олган кезлари устоз рақсомлар — Гафур Қодиров ва Рустам Худойбергандан рангтасвир сирларини сидқидилдан ўрганди. Бирини-кетин кўргазмаларда ўз асарлари билан иштирок эта бошлади. Дастлабки ишларидаёқ муҳлислар ва мутахассислар эътиборига тушди. Масалан, 1992 йили яратилган "Икки дунё" асари томошабинни чуқур мушоҳадага чорлайди. Талабалик йилларида ишлаган "Буюк империянинг ҳалокати" номли дипломи асари ҳозирда Миллий рассомлик ва дизайн институтида сақланмоқда.

Алишер Алиқулов рангтасвирнинг маҳобатли ва дастгоҳли жанрларида бирдек ижод қилади. Санъат оламидаги биринчи қадамидек рассом ўз асарларида кучли динамик ҳаракатга ва чуқур

"Сўнги нафасгача" ва бошқа бир қатор асарлари ҳам бетакрор композицион ечими билан томошабинни бефарқ қолдирмайди. Ҳозирда унинг маҳобатли рангтас-

РАССОМ НИГОҲИДАГИ ШОНЛИ ТАРИХ

қур фалсафий композицион ечимга асосланган бадиий ифода услубини танилади ва бу борада санъатшунослар эътиборига тушди. Жумладан, миллий спорт ўйинларимизга бағишлаб яратилган "Улоқ" асари санъат илосмандларида катта таассурот қолдирди. Чавандозларнинг чуқур руҳий ҳолатларидаги қиёфалари, майдонда пишиқиб улоққа интилаётган отлар туғидан кўтарилаётган чанг-тўзон аниқ акс этган. Қаҳрамонларнинг ташқи кўринишлари, нигоҳлари, юз ва кўз ифодалари, либосларини кузатганда ҳам шундай аниқликни хис этасиз. Воқеалар ортидаги фазовий кенглик, лаҳзалар тасвири реал образларда ифодаланган.

Мусаввирнинг 1996 йили пойтахтимизда бунёд этилган Олимпия шон-шуҳрати музейига ишланган "Қадимги Бақтрия спорт ўйинлари" номли панносини ҳам шундай сара асарлар сирасига киритиш мумкин. Унда забардаст ва эгчил, чаққон ва мард йигитларнинг спорт оламидаги жасоратлари, шижоатлари кучли динамика ҳаракатда ифодаланган. Унинг "Улоқ", "Кураш", "Пойга", "Ёйандозлик", "Найза улоқтириш", "Тош кўтариш" каби асарларида ҳам миллий ўйинларимиз ранг-баранг, мураккаб композицияга эга реалистик йўналишда яратилган.

Ижодкор асарларнинг аксарияти улуғ-бобокалонимиз, буюк саркарда Амир Темури шайхони ва у яшаган даврга бағишланган. Хусусан, 1996 йили Темурийлар тарихи давлат музейи учун ишланган "Самарқанд бозори" асарида шарқ бозорининг айна ҳаёт қайнаган, одамлар билан гавжум манзараси акс этган. Композицияда бозорда ўз махсулотларини ёйиб ўтирган қосиблар, матофурушлар, гиламдўзлар, бешикчилар, ҳаммоллар, харидорлар хорижий меҳмонлар билан бирга тасвирланган, хар бир чизгида миллий колорит уфуриб турибди. Рассом тарихий манбаларни яқин ўрганган. Музей залига ишланган яна бир асарда "Амир Темурининг Тўғтамишхон устидан қозонган ғалабаси" акс этган. Шунингдек, "Қабул", "Жанг",



"Бухоролик она ва бола"

вир асарлари ватанимизнинг турли маданий ва маъмурий биноларини беэзаб турибди. 1998 йили ишланган "Ўзбекистоннинг буюк шахслари" асари улуғ бобокалонларимизнинг ёрқин сиймосини томошабин кўз олдига бирма-бир жонлантиради. Замонлар алмашуви асарда гўё ҳаёт чархалаги сингари фалсафий ечимини топаган. 2002 йили Ўзбекистон тарихи давлат музейи учун ишланган "Амир Темури ва жажон тарихи" панноси ҳам чуқур тарихийлик мезонига асослангани билан эътиборлидир. Худди шу музей учун ишланган бошқа бир асарда эса жадидлар ҳаракати, миллий истиқлол учун курашиб жон қурбон қилган ватандошларимизнинг ўчмас қиёфаларини кўриш мумкин.

Маълумки, Оча Ватани химоя қилиш, унинг хар қанча ерини кўз қорачигидай асраш — хар бир фарзанд учун муқаддас бурч. Шунинг учун хар қилган рассом ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида бир қатор асарлар яратди. Албатта, бу

борада ижодкорнинг "Ватан учун" номи картинаси ҳарбийларни жанговарликка оширишга чорловчи асар сифатида қадридлир. Бу фикрни "Қалъанинг ишғол қилиниши" асарида нисбатан ҳам айтиш мумкин. Шунингдек, "Байроқ учун" асарида эътиқод йўлида мардона курашаётган шижоати баланд жангчилар тасвири ўз ифодасини топаган.

Хар қандай асарни яратиш жараёни ниҳоятда мураккаб ва қизқаркли. Асар гоёси ва акси матога тушгунча қадар илк тасаввурлар оилар давомида шаклланиб, янгича кўринишларга кириб, аста-секин мукаммаллашиб боради. Рассомнинг асосий мақсади — Ватанимиз, халқимизнинг шонли тарихини, урф-одати ва анъаналарини чуқур акс эттириш орқали томошабин кўз ўнгига жойининг ибратли саҳифаларини жонлантиришдан иборат. Алишер Алиқулов нафақат маҳобат-

ли асарлари билан, шунингдек, дастгоҳли рангтасвир соҳасидаги изланишлари билан ҳам ўзбек тасвирий санъатида ўз ўрнига эга рассомлар сирасидан. "Совға", "Довон", "Қайтиш", "Овда", "Тонг", "Йўлда", "Эртакчи", "Лайли ва Мажнун", "Навбат" ва бошқа бир қатор картиналари унинг юксак маҳоратини даллат унинг. Шу ўринда рассомнинг портретлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Бу жанрда ҳам А.Алиқулов фақат ўзигагина хос ифода услубига эга эканини кўрсатади. У яратган қиёфаларининг биринида ёшлик шижоати уфуриб турса, бошқасида кўпни кўрган қари-яларнинг чуқур руҳий кечинмаларига гувоҳ бўламиз. Бундай лирик ҳолатларни "Алишер Навоий", "Мухаммад Султон", "Наққош", "Момо", "Орол фожаси", "Бухоролик келин", "Бухоролик аёл ёш бола билан", "Машшоқлар", "Муножат" каби асарларида кузатиш мумкин. Айниқса, "Алишер Навоий" ва "Мухаммад Султон" номли тарихий портретларда қаҳрамонларнинг шахс сифатларидаги хислатлари нозик чизикларда теран акс эттирилган, либослар, ҳарбий анжомлар, меъморий муҳит деталларига чукур ўйланган.

Кўпглаб халқаро ва республика кўргазмаларида фаол қатнашиб келатган А.Алиқулов изланишида давом этмоқда. Суратнинг шакли, чизгилари, колорити устида тинимсиз иш олиб борапти. Унинг педагогик фаолияти ҳам эътирофга лойиқ. 2011 йили Кореянинг Дегу университетига ўтган халқаро фестивалда иштирок этди. Бу йил Голландиянинг Эппе шаҳридаги санъат мактабида маҳорат дарслари ўтказиб, талабалар ва мухтаassisларда чуқур таассурот қолдирди.

Хуллас, кенг доирада, турли мавзуларда бирдек қалам тебратётган таниқли рассом Алишер Алиқуловнинг асарлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотиغا номзодликка хар томонлама муносиб, деб ўйлаймиз.

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, санъатшунослик фанлари номзоди

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ФЕСТИВАЛИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Шунингдек, Регистон майдонидagi Мирзо Улугбек, Тиллақори ва Шердор мадрасаларида фестивал кунлари санъатшунос

савияси, аҳамияти билан улардан ажралиб туради, — дейди Ўзбекистонда хизмат қўзган артист, хонанда Эркин Қайтагов. — Ушбу фестивалга ер юзининг турли мамлакатларидан ташриф буюраётган санъаткор-



олимлар, ёш ижодкорлар, тадқиқотчилар иштирокида илмий анжуман ва маҳорат машғулоти ташкил этиш режалаштирилган. Халқаро фестивал қатнашчилари ва юртимиз санъат усталари, бадиий жамоалар иштирокида Самарқанд шаҳридаги "Муъжиза" амфитеатри, "Ёшлик", "Сўғдиёна" истироҳат боғлари, Самарқанд педагогика коллежи ёзги амфитеатри ҳамда бир қатор туманларда концерт дастурлари намойиш этилиши ҳамда ижодий учрашувлар ўтказилиши эътиборга олинган, бу масканларда ҳам тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. — Дунёда санъат соҳасида кўпглаб танловлар, фестиваллар ўтказилса-да, "Шарқ тароналари" халқаро фестивали бадиий

лар ҳам бунга гувоҳ бўлмоқда. Улар танловда иштирок этиш билан бирга, азиз меҳмонимиз бўлиб, миллий мусиқа маданиятимиз билан танишмоқда. Бир-галдан қўшиқлар куйлаётганимиз, ижодий ҳамкорлик ришталарини боғламоқдамиз. Ўтган фестивалда Мадагаскардан ташриф буюрган ижодкорлар қатнашганда, Очигини айтганда, дунёда шундай юрт борлигини билардик, лекин уларнинг санъатидан беҳабар эдик. «Шарқ тароналари» эса бизга бу давлат билан яқиндан танишиш имкониятини берди. Бу йилги фестивалда ҳам янги номлар кашф этилишига, янги дўстлар орттиришимизга ишонамиз.

Ғолиб ҲАСАНОВ

Замон ва замондош мавзуи доимо долзарб. Шу билан бирга уни саҳнага олиб чиқиш жараёни ҳам мураккабдир. Шунинг учун мавзу ижодкордан зийраклик, кузатувчанлик ва самимий муносабатни, энг муҳими, профессионал ёндашувни талаб этади.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилган республика театрларининг II "Сени куйлаймиз, замондош!" танлови шу йўналишдаги ишлар билан яқиндан танишиш, ютуқ ва камчиликларни ўрганиш, жараён ривожини учун илмий-услубий, бадиий ташкилий хулосалар чиқариш имконини берди. Тадбирда ўн учта асосий ва танловдан ташқари иккита спектакл намойиш этилди.

Халқимиз, айниқса, ёшларнинг яратувчилиги, ҳалол меҳнати, ўз мақсадини амалга ошириш йўлидаги қатъийлиги, фидойилиги, Муқимий номидаги мусиқали театрнинг "Меъмор", Қорақалпоғистон мусиқали театрининг "Нур сояда қолмас", Самарқанд вилоят мусиқали драма театрининг "Садоқ", Ўзбек давлат драма театрининг "Хаёт формуласи" спектаклларида ўзининг қизқаркли ечимларини топаган. Ўзбек Миллий академик драма театрининг "Ойдин", Сирдарё вилоят театрининг "Аёл қадри" спектаклларида бугунги куннинг аччиқ ҳақиқатларидан бири — бутун дунё халқларини ларзага солиб турган одам савдоси масаласи кучли публицистик драма шаклида талқин этилган.

Миллий академик театр спектаклида режиссёр Валижон Умаров асар қатнашчиларининг ички кечинмаларини

иқриқ планда томошабинга етказиш учун замонавий теле ва кино имкониятларидан фойдаланишга интилиши томошага ўзига хос қизиқ ва нодатий руҳ бағишлаган. Кат-

ТАНЛОВДАН КЕЙИНГИ ЙЎЛАР

та экранда жиққа ёшга тўлган шахло кўзларнинг пайдо бўлиши, ташвишли ахборотларга нисбатан оний ички муносабатларнинг йирик пландаги тасвири томошабин диққатини тортади. Лекин шунинг ҳам айтиш керакки, ҳақиқий телекўрсатув усулининг кўп ишлатилиши актёрнинг, театрининг хатти-ҳаракат деб аталмиш азалий имкониятлари анчагина чекланишига сабаб бўлган ҳолатлар ҳам йўқ эмас...

Сирдарё вилоят театри танловда эса биринчи кўзга ташланган нарса ҳаракатчан, мазмунли ва жуда қулай сценеграфиядир. Айниқса, спектакл бошида қизларнинг подадек ҳайдаб аэобланиши яқин кўчқан. Спектаклнинг қолган саҳналари реалистик услубда, муаллиф матнига мос тарзда ўткир драматик баҳс шаклида талқин этилган. Хар икки спектаклда ҳам биринчи муваффақиятли актёрлик ишларини кўриш мумкин. Хусусан, Сирдарё театридан Н.Бектўраева (Чарос), Р.Юну-

сова (Хуршида), Миллий академик театрдан М.Қилмичев (Самандар), А.Шарипова (Нодира) ижролари эътирофга лойиқ. Ўзбек давлат драма театрининг "Хаёт формуласи" спектакли камер театр шаклида куйилган. Яъни, воқеалар саҳнадаги кафтедек келадиган суғанада, томошабинлар қуршовида кечади. Бундай талқин усули тамомилан янги эмас, лекин

эришган. Асардаги асосий гоё образлар орқали экспрессив жазавали шаклларда ва талқин этилган.

Спектаклдаги бош персонаж — Қаҳрамон образи (актёр С.Лутфуллаев) ижроси, шубҳасиз, томошанинг, таъбир жоиз бўлса, умуртга пононасида. Қаҳрамондаги фанатизм даражасида илмий муаммони ечишга интилиш томо-



"Аёл қадри" спектаклидан лавҳа.

хам қўлланади. Чунки томошабин билан нафас олиш даражасида яқинлик актёрлардан юксак ижро маҳорати ва техникани талаб этади. Бунда озгинагина носамимийлик, хато бутун жараёнга салбий таъсир этади. Театрнинг ёш актёрлари бу қийин вазифанинг уйдасидан чиқишган. Режиссёрлик санъати ҳам шу спектаклда юқори даражада метафоравий ифодавийликка

эришган. Асардаги асосий гоё образлар орқали экспрессив жазавали шаклларда ва талқин этилган.

Дастурдаги спектаклларда инсонпарварлик гоёлари ("Алла", Сурхондарё театри), ёшларнинг интилиши ("Хаёт бўсағасида", "Эски масжид" студияси), байналмилалчилик, милиция ходимларининг ватанга содиқлиги ("Фаришта") Фаргона вилоят рус театри), оила ва муҳаббат масалалари ("Она қизим, чирғоғим"

Қорақалпоқ ёш томошабинлар театри) ҳам ёрқин акс эттирилган. Танловга тақдим этилган томошаларда мавзу кўлами ранг-баранг, аксарияти қизиқ ва томошавий. Асосий соҳивларини кўлга киритган спектаклларнинг саҳнавий ечимларида жиддий изланишлар кўзга ташланиб турибди. Лекин шу билан бир қаторда деярли кўпчилик спектаклларда драматургик маҳорат, бадиий умумлашмалар устидаги изланишлар ниҳосига етган эмас. Айниқса, профессионализм масаласига алоҳида эътибор бериш зарур. Шунингдек, драматург билан ишлашда, томошадаги шакл ва мазмун уйғунлигида, актёр танлаш ва уни ишлатишда, саҳна декорацияси ва мусиқий ифодавийлик масалаларида ечимини топиши керак бўлган ишлар анчагина...

Хуллас, мазкур танлов шунинг кўрсатдики, республикамизнинг кўпчилик театр жамоаларида замондоқ образини яратишга интилиш кучли. Агар драматургик, режиссёрлик, актёрлик изланишлари даражаси ва савияси қучайтирилса, хар жиҳатдан намунавий саҳна асарлари юзага келиши ва улар ўзбек театрини янги юқори поғоналарга кўтаришига ишонч билдириш мумкин.

Ҳамиджон ИКРОМОВ, танлов ҳайъати раиси, профессор

Бошланиш биринчи саҳифада.

Ун икки ёшли Амирбек Усмонов сузиш бўйича Германияда ўтказилган халқаро мусобақада 5 олтин ва битта кумуш медалга, Австриядаги халқаро турнирда ҳам бешта олтин медалга сазовор бўлди.

Саккиз ёшли Нодирбек Абдусатторов Словениянинг Марибор шаҳри мезбонлик қилган шахмат бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида биринчи марта ҳам мағлубиятга учрамай, жаҳон чемпиони деган юксак сарафга эришди.

Олти ёшли шахматчимиз Ислонбек Синдоров яқинда ниҳоясига етган Эрондаги Осиё чемпионатида биратўла учта олтин медалга сазовор бўлди.

Олти ёшда қитъа чемпиони бўлиш ҳали ҳеч кимга насиб этмаган эди!

Яна бир жиҳатга эътибор қаратайлик. Ёш спортчиларимизнинг улкан галабалари юртимизда уларга ҳавас қилиб спорт билан шуғуллана бошла-

ётганлар сони ортишига хизмат қилмоқда. Масалан, биргина шахматни олайлик. Кўпгина болалар мураббийлари 2004 йили Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони бўлганидан кейин шахмат тўғрисида қатнайдиган болалар сони кескин ошганини таъкидлашади. Ўтган йили Нодирбек

мат бўйича 5 ёшгача болалар орасида 2-ўринни эгаллаганди. Мана, бу сафар ҳам классик шахмат, ҳам рапид, ҳам блиц мусобақаларида шохсуланинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, ўзбек йигит-қизлари ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлади. — дейди унинг устози, Сергели туманидаги "Спорт

ёш бўлишига қарамай, баъзан машғулотларда уйинқароқлиги тўтиб қолса-да, шахмат тахтаси ёнига ўтирдими, ўзини буткул "жанг"га чоғлай олади. Хужумкор услубни яхши кўради. Шунинг учун дурангга асло тоби йўқ; ё ютади, ёки ютқазади.

Дарвоқе, Ислонбек Эронда ҳам дурангга рози бўлмабди.

да ҳам кўшимча кўрсаткичларга кўра олтин медаллини олиши аниқ эди. Бирок сўнгги турда мўғулистонлик рақиби совринли ўринга яқинлашиб олишда дуранг тақлиф қилса ҳам кўнмайдди, уни мағлуб этиб, олтин медалга лойиқ эканини намойиш этади. Шундай қилиб, блиц турнирида етти ўинда олти галаба, классик шахмат бўйича етти ўинда етти галаба, рапид мусобақасида етти ўинда етти галаба!

Фолиблик руҳи чемпионнинг ҳар қандай вазиятда ҳам мағлуб бўлишига, дуранг қилишига-да розилик бермайдди!

Шахмат тахтаси узра ҳеч кимдан тап тортмайдиган ёш Ислонбекнинг овоз руҳияти, доимо жилмайиб туриши, қўтаринки кайфияти, кўзларида чақнаб турадиган шиддатнинг шахмат ўйинига кўчилиши ҳар қандай кишига завқ бағишлайди. Бу Мустақиллик фарзанди, ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган ўзбек ўғлинига хосгинакам мардона фазилат!

Хусан КАРВОНЛИ

ИСЛОМБЕККА ХОС ШИЖОАТ

Абдусатторов жаҳон чемпиони бўлганида ҳам икки-уч кўшимиз болаларини шахмат мактабига олиб боришган эди. Ислонбек Синдоров Осиё чемпиони бўлган, яна уч-тўрт кўшимиз биздан Сергелидаги шахмат мактабининг манзилини сўрашди...

— Ислонбек мактабимизга 4,5 ёшдан буюн катнайдди. Аввалига акиси Жаҳоҳирга кўшилиб келарди. 5 ёшдан бошлаб шахмат билан жиддий шуғуллана бошлади. Ўтган йил декабрда Хиндистонда бўлиб ўтган мактаб ўқувчилари ўртасидаги Осиё чемпионатида тезкор шах-

Дўстлик. Галаба" шахмат мактаби мураббийи Сабоҳат Зайниддинова.

Шахмат мактаби бош мураббийи, FIDE спорт устаси Сирожиддин Зайниддинов ёш шогирди ҳақида шундай фикр билдирди:

— Шахматда хотира муҳим рол ўйнайди. Ислонбекнинг хотираси ниҳоятда кучли. Айрим болалар кўрсатиб берилган вазиятни уч-тўрт марта такрорлагандан сўнг идрок қилади. У эса бир ёки икки уринишдаёқ ўзлаштириб олади. Шахматчининг характери ҳам катта аҳамиятга эга. Ислонбек ҳали жуда

Чемпионатнинг охириги кунги блиц мусобақаси ўтказилган. Ислонбек охириги 7-тур олдидан 5 очко жамғариб, 1-ўринни эгаллаб турганди. 2-ўринда келатган эронлик Курош Меҳбудийда 4 очко, 3-ўриндаги мўғулистонлик Чинбат Чинтушида эса 3,5 очко бор эди. Классик шахмат ва рапид баҳсларида биринчи марта ҳам мағлуб бўлмаган, дуранг ҳам қилмаган мамлакатимиз терма жамоасининг энг ёш вакили тезкор шахмат мусобақасида ҳам чемпиони бўлиши учун сўнгги турда дуранг натижа ҳам қониктирар, мабодо ютқазиб қўйган тақдир-

МАШХУР УСТАЛАР АНЪАНАЛАРИ

Бадий академия кўргазмалар залида "Бизнинг мерос" туркумидан "Буюк усталар аъёнлари" деб аталган ҳақ амалий санъати усталари кўргазмаси очилди. Ўзбекистон ҳақ усталари Маҳмуд Усмонов, Мақсуд Қосимов, Неймат Иброҳимов ва Жалил Ҳасимовлар хотирасига бағишланган мазкур кўргазмада эллик нафар халқ амалий санъати усталарининг юздан ортиқ ижод намуналари намойиш этилмоқда.

Егач ўймакор усталар Мирсобит Обидов, Эргашон Алиев, Раҳматилла Зокиров, Жамшид Ғоипов ва кутлуг ёшини нишонлаган хунарманд устоз Сирожиддин Раҳматуллаевлар ижодига мансуб айвон тоқиси, устун, турли бурчакли хонтахталар, курсилар ва сандиқчалар бетакор нақшлари ажралиб турибди. Абдурашид ва Раҳман Раҳимовлар томонидан тақдим этилган Тошкент чигта гул боши санъати мактаби намуналари ёрқин ранглари ва такрорланмас безаклари билан томошабинни жалб этади.

Кўргазма запариди



Умаров ва бошқа кўрғазмаларнинг иш жараёнида ифода этувчи туркум фотосуратлар билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Моҳинур МАКСУМОВА

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

самарали ўтказиш мақсадида қабул қилинган "2013 — 2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти ҳамда уни амалга оширишдан қўтилаётган натижалар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Тадбир давомида театр, мусиқа, музей, спорт каби йўналишларда амалга оширилаётган ишлар, ечимини кўтаётган масалаларга жавоб берилди. Шунингдек, матбуот анжуманида санъат, маданият ва спорт йўналишидаги таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳамда 2013-2014 ўқув йилида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларида ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш, кадрларни мақсадли тайёрлаш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги "Ижод" жамоат фонди Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан "Истиқлол наҳомлари" рўқни остида Ўзбек адабиёти сараланган асарларининг "Озод Ватан сарвати" номли 5 жилдли тўпламини чоп этиш бўйича босмаҳоналар ўртасида танлов эълон қилади.

Танловга куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши шарт: — босмаҳона хизматини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия (рухсатнома); — картотека қарздорлиги тўғрисидаги маълумотнома; — нархларни асословчи смета ҳисоб-китоблари; — танловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза (эркин шаклда).

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги "Ижод" жамоат фонди куйидаги объектларни капитал таъмирлаш юзасидан қурилиш ташкилотлари (кичик корхоналар) ўртасида очик танлов эълон қилади.

— "Дўрмон" ижод уйи ҳудудидаги тўртта бир қаватли коттеж; — "Дўрмон" ижод уйи ҳудудидаги чўмилиш сув ҳавзаси(бассейн). Танловга куйидаги ҳужжатлар топширилиши шарт: — қурилиш ишларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия (рухсатнома); — картотека қарздорлиги тўғрисидаги маълумотнома; — давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ нархларни асословчи смета ҳисоб-китоблари; — танловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза (эркин шаклда).

Қурилиш объектлари манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани Матқобулов қишлоқ фуқаролар йиғини Арғин маҳалласи. Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳар Ўзбекистон шах ҳўқ кўчаси, 16-А уйи. Телефон: 239-27-88, 239-27-84 Факс: 245-66-95, 245-87-12

Аризалар жорий йилнинг 15 июлига қадар Тошкент шаҳар Ўзбекистон шўқ кўчаси 16 А-уйнинг 4-қаватида қабул қилинади.

"НАФОСАТ" САНЪАТ БАЙРАМИГА МАРҲАБО!

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Бадий академия, Баस्ताкорлар ва Ёзувчилар уюшмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Эллиққалъа тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида 2013 йил 1-4 август кунлари Эллиққалъа тумани Бўстон шаҳрида "Қадр-қимматим, таяниш ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон" шиори остида "Нафосат бўстоним маним" вокал, эстрада хонандлари, баҳши, халфалар, лапар ижрочиларининг аънавий VIII республика кўрик-фестивали ҳамда хунарманд ва мусавирларнинг кўргазмаси ўтказилади.

КўРИК-ФЕСТИВАЛНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ: "Нафосат бўстоним маним" кўрик-фестивали саралаш ва якуний босқичларда ташкил этилади. Кўрик-фестивалнинг худудий саралаш босқичи 2013 йил 10 июлдан 20 июлга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ўтказилади ҳамда 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган голиблар республика босқичига тавсия этилади.

ҚАТНАШЧИЛАРНИНГ ЁШИ 18 ЁШДАН 35 ЁШГАЧА БЎЛИШИ КЕРАК.

Кўрик-фестивалнинг республика босқичида: — опера (вокал) ижрочилари, — аънавий ижрочилар, — эстрада хонандалари, — бахшилар, — халфалар, — лапарчилар иштирок этади ва халқ хунармандлари кўргазмаси ташкил қилинади.

Ҳужжатларни тақдим этиш тартиби: Иштирокчиларнинг рўйхати, ижро дастури, кўшиқ матнлари, хунарманд ҳамда расомларнинг якуний босқичга тавсия этилаётган асарлари ҳақидаги маълумотлар ва худудий саралаш босқичи Ҳакамлар ҳайъати қароридан кўчирма, шунингдек, худудий бошқарма бошлиғи тавсияномаси 2013 йилнинг 20 июлидан 25 июлигача Маданият ва спорт ишлари вазирлиги республика халқ ижодиёти ва маданият ишлари илмий-методик марказига тақдим этилади. (Манзил: Тошкент-100011, Навоий кўчаси 30-уй. Тел: 244-52-98, факс: 244-51-78

Барча номинациялар бўйича тадбир ташкилотчилари учун мукофотлар таъсис этилган.

Ташкилий кўмита.

World map and text: Дунё — кенг... ИССИҚ КУНЛАРДАН СЎНГ ҲАВОНИНГ СОВУШИ КУЗАТИЛАДИМИ?

Ҳозир дунёнинг кўпгина минтақаларида иқлимнинг одатдан ташқари ўзгариши кузатилаётди: айрим худудларда ҳарорат кескин кўтарилиб, баъзи жойларда узлуқсиз ёққан ёмғир оқибатида шаҳар ва қишлоқлар сув остида қолаётди. Шундай бир пайда олимлар 2015 йилга келиб, Ернинг глобал даражада совуви бошланиши башорат қилишмоқда. Япония денгиз тадқиқотлари миллий агентлиги катта илмий ходими М.Накамура океанлар сувининг сўнгги 50 йилдаги ҳароратини таҳлил қилиб, шундай хулосага келган.

Япон олимийнинг айтишича, Гренландия денгизидеги сувнинг ҳарорати Шимолий ярим шардаги 1980 йили бошланган иссиқ даври охирига етганини кўрсатмоқда. Накамуранинг таъкидлашича, иқлимдаги ўзгаришларни прогноزلашда парник газлари туфайли келиб чиқаётган иқлимнинг глобал даражада иссиқ кетиши оқибатларини ҳам ҳисобга олиш керак. Шунга қарамай, унинг мазкур прогноزلаш моделида парник газларининг Ернинг глобал даражадаги иссиқлиги таъсири ҳисобга олинмаган. — Энди биз инсон фаолиятининг иқлим ўзгаришларига бевосита таъсирини ўрганиб чиқишимиз керак, — дейди олим матбуотдаги интервьюсида.

ЯНА ТУНГУС МЕТЕОРИТИ ҲАҚИДА

Сибирдаги тайга ўрмонзорларида сирли портлаш юз берганига 105 йил бўлди. Бирок олимлар ўшанда Ерга метеорит тушмаган, деб ҳисоблашмоқда. Ҳўш, унда нима бўлган? "Сибир" газетаси 1908 йилнинг 2 июлида бу ҳақда ахборот бериб, 17 июн эрталаб соат тўққизлар атрофида табиатнинг одатдан ташқари воқеаси кузатилди, деб ёзади. Н-Карелинск қишлоғи деҳқонлари шимоли-ғарб томонда ўфқдан анча юқорида ўткир оқиш-кўк нур таратаётган, тик қараб бўлмайдиган жисмини кўришган. Ун дақиқа ўтган, ўша нур ўрмон устига ёйилиб кетган, улкан қора тутун ҳосил бўлиб, жуда кучли тарақлаган овоз эшитилган. Атрофдаги бинолар зириллаб кетган. Аёллар довий кўтаришган, ваҳимага тушган қишлоқ аҳли кўчага югуриб чиқишган. Айримлар оловли қизил шарнинг горизонтал йўналишда ҳаракатланганини кўрган.

Эндиликда олимлар мана шу воқеаларга асосланиб, Тунгуска метеорит тушмаган, дейишмоқда. Фантаст ёзувчи А.Казанцевнинг Тунгускада ўзга сайёраликлар фазовий кемаси портлаган, деган гипотезасини олимлар бўлмағур гап дейишса-да, адибнинг улар ядро двигателидан фойдаланган, деган фикри қизиқиш уйғотмоқда. Расмий гипотеза тарафдорлари катта метеорит ёки сиртини муз қоплаган комета тушган, шу сабабли атмосферада ёғдуланиш, осмондан тушган жисмининг ерга урилгани ва довулдек кучли шамол эсганини маълумласалар-да, бошқа жумбоқлар жавобсиз қолаётди. Агар ўша жисм метеорит бўлса, нега дастлаб 60 даражали бурчак остида учиб келиб, сўнгра бирдан 17 даражагача оғган? Нега дастлаб Лена дарёсининг шарқидан ғарбга ўтиб, сўнг бирдан деярли 90 даражали бурчак остида йўналишини эгри қизик бўйлаб жанубдан шимолга ўзгартирган? Бу манёврнинг боиси нимада? Нега портлаш юз берган? Ўша жисм бўлақлари қаерда?

Казанцев тарафдорлари тахмининда ҳам номутанасиблик бор. Портлаш юз берган ҳам, дейлик. Шу боис минглаб дарахлар куйиб кетган. Бирок куйинди қолдиқлари атом олови куйиндиларидан кескин фарқланади. Боз устига радиоктив зарарланишининг изи йўқ. Иркутскдаги обсерватория эса, ядро портлашида рўй берадиганидан ҳам жуда кучли ва узок давом этган магнит бўронларини қайд этган. Олим А.Злобиннинг фикрича, Тунгускага сирти муз қобилиги комета тушган. Ўша жисм Ерга тушаётиб ўзини "ғалати тутгани" сабаби ҳам шу билан изоҳланади. Кометалар коинотнинг узок қаъридан учиб келади. Улар бутунлай муз қотган бўлади. Бундай ҳолатда металллар ўз қаршилигини йўқотгани ва ўта ўтказувчан бўлади. Магнит майдонидан ўтаётганда эса, ток ҳосил бўлади. Металл буғланса ёғду таратувчи плазмали қобик пайдо бўлади. Айни чоғда, бир вақтнинг ўзида ҳаракат йўналишини ўзгартаришга қодир куч ҳосил бўлади. Ўша жисмининг бирданига пастга тушмай, бир неча юз километр масофада деярли горизонтал учиб, сўнгра Ернинг электромагнит майдонлари таъсирида йўналишини кескин ўзгартиргани боиси шунда. Злобиннинг фикрича, электромагнит тортиш кучига таяниб ҳаракатланадиган фазовий кема Ерга яқинлашганда, қандайдир сабабга кўра бошқарувни йўқотганда ҳам шундай ҳодиса юз бериши мумкин. Дарвоқе, Тунгуска воқеаси арафасида Килск университети профессори Вебер мунтазам равишдаги магнит бўронларини қайд этган. 27-28, 28-29, 29-30 июн кунлари эрталабдан ярим тунга қадар магнит бўронлари юз берган. Ер магнит майдонидеги меъёрдан четга чиқишларни ўзга сайёраликлар кемаси таъсири, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳозир "учар ёлпоқча"лар кузатилганда ҳам магнит майдонидеги ўзгариш ва алоқа воситалари ишида бузилишлар рўй беради. Бинобарин, электромагнит тортиш кучига таяниб ҳаракатланадиган учини аппаратлари физика қонунларига зид эмас. Космонавтика асосчиларидан бири Ф. Цандер 1910 йили учини аппаратлари двигателини яратиш учун ток ўтказувчи металллардан фойдаланиш назариясини илгари сурган. 1930 йили бу гоё янада такомиллашган. Злобин фикрича, электромагнит тортиш кучига таянадиган учини аппаратларининг имконияти кескин бўлиб, улар исталган томонга бирданига кескин бурилиб ҳаракатлана ва тўхтаб олади. Демак, Тунгускага ё комета тушган ёки ўзга сайёраликлар кемаси портлаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Интернет хабарларидан.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Саминжон СУЛТОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўкур таъзия изхор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Манзил: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Кабулхона — 233-52-91. Электрон манзил: uzas@mc.s.uz

Баш муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Босмаҳона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.48.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИК. ISSN 2183-614X. 9772183614000